



ИШИД

ФИТНАСИ

Юртимизда осойишталик ҳукм сураётган даврда дунёнинг турли ҳудудларида кескин қарама-қаршиликлар, тўс-тўполоқлар содир бўлмоқда. Айниқса, Ироқ ва Суриядаги динимиз душманлари қўлида қўғирчоқ бўлаётган бир тўда террорчилар томонидан қилинаётган қўпоровчиликлар, қатлиомлар ва босқинчилик каби ваҳшиёна ҳаракатлар ҳар қандай кишининг қалбини ларзага солади ва янада хушёр ва огоҳ бўлишга ундайди.

Ушбу китобда “Ироқ ва Шом ислом давлати” (ИШИД) террорчилар тўдаси “Ислом давлати” тузиш баҳонасида учинчи томоннинг буюртмасини бажараётгани, бошқарувни қўлга олишга уринаётгани, бойлиқ орттиришни кўзлаётгани аниқ мисоллар билан фош этилган. Шунингдек, ғаламисларнинг “халифалик” ўрнатиш сохта иддаоси билан мусулмонни кофирга чиқариб, зулм қилаётгани, тинч аҳолига зўравонлик ўтказётгани ислом дини моҳиятига умуман зид экани ҳужжат-далиллар асосида исботланган.

Муаллиф Қуръони карим оятлари, ҳадиси шарифлар ҳамда етук уламолар фатволарига таяниб, ИШИДнинг ботил ғоялари, сохта иддаларига қарши асосли раддиялар берган.

Хуллас, китобда ИШИД жиноятчиларининг асл мақсади ислом динини ниқоб қилиб, дунёни хароб этишдек разил ва қора ниятларига эришиш экани фош этилган.

Тулёпов, Айдарбек

ИШИД фитнаси / А.Тулёпов. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2015. 108 - б.

КБК: 66.3(5Ў)З

МАСЪУЛ МУҲАРРИРЛАР:

Муфтий Усмонхон АЛИМОВ ҳазратлари,
Ислом олами уюшмаси таъсис мажлиси,
Бутун дунё мусулмон уламолари кенгаши аъзоси ва
Тошкент ислом университети фахрий доктори

Шайх Абдулазиз МАНСУР

Ислом ҳамкорлик ташкилоти ҳузуридаги Халқаро ислом фикҳи академияси ва
Ислом олами уюшмаси ҳузуридаги Халқаро мусулмон уламолари ҳайъати аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 586-сонли хулосаси асосида тайёрланиб чоп этилди.

2015 - ТОШКЕНТ

ISBN 978-9943-12-251-2



9 789943 122512



NASHRIYOTI

© Айдарбек ТУЛЕПОВ
© «Movarounnahr» нашриёти

«Бугунги кунда дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларида авж олаётган қарама-қаршилиқ, жумладан, Яқин Шарқда, Ироқ ва Сурия мамлакатларида бўлаётган қонли тўқнашувлар, мусулмон дунёсидаги турли мазҳаб ва оқимлар ўртасида кучайиб бораётган ўзаро низо ва зиддиятлар, бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлаётгани барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди.

Диний қадриятларнинг, эзгуликнинг, инсониятнинг душмани бўлган ёт ғояларнинг асл моҳиятини очиб бериш, бузғунчи оқимларни жиловлаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, мана шундай тинч, мусаффо осмон остида бунёдкорлик меҳнати билан банд бўлиб, шукрона келтириб яшаётган олижаноб халқимизнинг тинч ҳаётини ҳар қандай бало-қазолардан асрашга ўз ҳиссамизни қўшиш – бугунги кундаги энг долзарб вазифамиз бўлиши керак».

Ислом КАРИМОВ

ШАҒҚАТСИЗ ТАҒНИМ

Таҳликали ҳолат


Бутун дунё халқлари диққат марказида турган – Ироқ ва Шом ислом давлати (ИШИД) террорчи ташкилоти ваҳшиёна ҳаракатларини ҳамон давом эттирмоқда. Муслмон уламолари томонидан ушбу террорчи ташкилотнинг қабих ниятлари ислом динига мутлақо зид экани кўп таъкидланди. Бироқ шунга қарамай, айрим жоҳил кимсалар ИШИДни қўллаётгани ёки унинг сафида жанг қилишга отланаётгани жуда ачинарли ҳолатдир.

“Ироқ ва Шом ислом давлати” ташкилоти “халифалик куриш” шиори остида ҳокимиятни қўлга киритишни мақсад қилган. Бу ташкилот “халифалик” иддаоси билан зўравонлик ва зулм ўтказиш каби малъун ишларни қилмоқда. Ҳозирги кундаги ИШИДнинг ваҳшийларча ҳаракати, муслмонлар ва ўзга дин вакилларини шафқатсизларча қатл қилиши уларнинг асл башарасини очиб берди.

Уруш ва қон тўкишларни Аллоҳ таоло ҳаром қилган ойлар ва муборак Рамазони шарифда ҳам ИШИД жанглари тўхтатмагани сўзимизнинг яққол исботидир. 2014 йил Ироқ ва Сурияда Қурбон ҳайитини нишонлаш арафасида ғаламисларнинг фитнаси авж олиб, кўпорувчилик ишлари янада кучайтирилди.

Заққумнинг илдизлари

«Мана шу яхши зиё-фатми ёки (дўзахдаги) заққум дарахтими? Ҳақиқатан, Биз уни (заққум дарахтини) золимлар учун фитна (синов ва азоб) қилиб қўйдик» (Соффот, 62–63).



Террорчи гуруҳлар бирлашувидан вужудга келган ушбу ташкилот 2013 йили Суриядаги фуқаролар уруши даврида ўзининг ваҳшийликлари билан саҳнага чиқди. Шундан сўнг Ироқда ҳам жанг олиб борди. Бош қароргоҳи Суриянинг Раққа шаҳрида, Ироқдаги маркази эса Бакуба шаҳрида жойлашган.

2013 йилнинг апрелида “Ироқ ислом давлати” ва “ал-Қоида”нинг Сурия ҳудудларида фаолият юритаётган “Жабҳа ан-Нусра” гуруҳлари бирлашиши натижасида “Ироқ ва Шом ислом давлати” ташкилоти тузилди.


Бузғунчилар ўзларининг номларини бир неча бор ўзгартирди. ИШИД – «Ироқ ва Шом ислом давлати», ИД – «Ислом давлати» каби номлар билан аталмоқда. “Ироқ ва Шом ислом давлати” ва “ал-Қоида” ўз ғояларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Масалан, ИШИД ҳудудий давлат тузишга ҳаракат қилади. “Ал-Қоида” вазиятдан келиб чиқиб, турли ҳудудларда кўпоровчиликларни амалга оширади.

Ҳозир Ироқ ва Суриянинг каттагина ҳудудини босиб олган ИШИД нафақат ён-атрофдаги мамлакатларга, балки бутун дунёга хавф соляпти. 2006 йилнинг октябрь ойида “ал-Қоида” ташкилотининг Ироқдаги бўлинмасига “Жайш ат-То ифа ал-Мансур”, “Жайш аҳли Сунна вал-Жамоа”, “Жайшул Фотиҳин”, “Жунд ас-Саҳоба” каби жангари гуруҳларнинг бирлашуви асосида “Ироқ ислом давлати” ташкилоти юзага келган эди. Унга Абу Мусо аз-Зарқовий, Абу Айюб ал-Мисрий, Абу Умар Бағдодий каби шахслар турли даврларда етакчилик қилган. 2010 йилдан буён ташкилотга «Абу Бакр Бағдодий» деган шахс бошчилик қилмоқда.



Шиори ялтироқ, иши қалтироқ

«Одамлар орасида шундай кимса ҳам борки, унинг дунё ҳаёти тўғрисидаги гапи Сизга қизиқарли бўлади. Дилидаги «имони»га Аллоҳни гувоҳ қилади, ваҳоланки, ўзи (Исломга нисбатан)-душманларнинг ашаддийсидир» (Бақара, 204).



ИШИДчилар «салафийлик» ғояларини шиор қилиб олган. Бу нарсаларнинг қонли фаолиятдан ташқари, исломий тушунча ва ақидаларга ғаразли муносабатларида ҳам очиқ-ойдин кўринади. Ташкилот аъзоларидан бири Абу Туроб Мақдисий сўзларига кўра, ИШИД Макка шаҳри, хусусан, Каъбани вайрон этишдек мусулмонлар нафратини кўзғайдиган қабих, тағи пуч режа ҳам тузган. Чунки унинг фикрича, одамлар Каъбага Аллоҳ учун эмас, қора тошга сиғиниш учун борар экан. Ана шу дунёқарашнинг ўзиёқ уларнинг асл мақсадлари, йўллари қандай эканини кўрсатиб турибди. **“Биз Ислам учун жанг қиляпмиз, биз жиҳодчилармиз” дея даъво қилаётган бу жангарилар ҳар кунининг минглаб бегуноҳ мусулмонларнинг ёстиғини қуритиб, болалар, аёллар ва ҳаттоки, қарияларни ҳам ўлдирипти.**

ИШИД ўз ғояларига эргашмаган инсонларни қатл этмоқда, аҳоли гавжум жойларда ўзини портлатиб, худкушлик амалиётлари ўтказишга одамларни мажбур қилмоқда. **Биргина 2013 йилда ИШИД Ироқ ҳудудида 10 мингдан зиёд террорчилик ҳаракатларини содир этиб, худкуш террорчилар эса, 80 га яқин портлатишни амалга оширган.**



Бугунги кунга келиб, ИШИД энг хатарли террорчи гуруҳлардан бирига айланди. Унинг таркибида юз мингга яқин жангари бўлиб, уларнинг аксариятини хорижликлар ташкил этади.

Дунёдаги бирорта уламо бу “давлат”ни тан олмади. 2014 йил сентябрь ойида дунёга машҳур 126 нафар уламо кўпоровчи ташкилот бошчисига Очиқ хат ёзди. Унда **ИШИДчилар амалга ошираётган ҳаракатлари Қуръон ва ҳадисга тамоман зид экани айтилиб, инсонийликдан йироқ, манфур жинойтлари қораланди.**

ИШИДнинг келажаги йўқлиги аниқ. Унинг фаолиятига эртами-индин барибир чек қўйилади. Бироқ ғаламисларнинг ғоялари унга эргашган ёшлар орқали худди вирус сингари тарқамокда. Бу эса катта йўқотишлар ва оғир вазиятларга олиб боради. Масалан, Ироқ ва Сурия ҳудудидаги уруш кенг миқёсдаги талафотларга, барқарорликнинг издан чиқишига сабаб бўлди. Вайрон бўлган шаҳар-қишлоқлар, корхоналарни тиклаш учун жуда катта маблағ зарур. **Энг ёмони, уруш сабабли дунёдан кўз юмган минглаб одамларни энди ҳаётга қайтариб бўлмайди.** Бу – ИШИД фаолият олиб бораётган мамлакатлардаги ҳолат.



БУГУН




Салбий таъсир шу ҳудуд билангина чекланиб қолмайди. **Хориждан келиб, урушга қўшилган қанчадан-қанча ғўр ёшлар шу ерда ҳаёт билан видолашди. Омон қолганлари эса эртага юртига қайтиб боргач, қўпоровчи ғоялар манбаига айланади. Ўз мамлакатларида ҳам бузғунчилик кайфиятида яшайди. Айримлари амалий фаолиятга ҳам киришади.** Бундай террорчилик ташкилотлари бутун бошли мамлакатлар учун каттагина муаммага айланди, тинчлик ва барқарорликка хавф солмоқда.

ЭРТАСИ САРОБ

ШАФҚАТСИЗ ҒАНИМ

ИШИД — Ироқ ва Шом ислом давлати

БУЗҒУНЧИЛАР
ТЎДАСИНИ
«ИСЛОМ ДАВЛАТИ»
ДЕМАНГ!



«... Аллоҳнинг
ризқидан еб-ичингиз,
Ер юзида бузғунчилик
қилмангиз!...»
(Бақара, 60)

 Мисрдаги нуфузли “Дорул ифто”, яъни «Фатво ҳайъати» ўзларини “Ислом давлати” деб атаган Ироқ ва Суриядаги жангариларни бу ном билан атамаслик чақириғи билан чиққан. Мазкур Фатво ҳайъати мусулмонларнинг шаръий ва кундалик ҳаётига доир масалалар бўйича фатволар эълон қилиб турадиган идора ҳисобланади. Фатво ҳайъати 2014 йил 24 август куни “Ислом давлати” иборасини қўлламасликка чақириш мақсадида интернет тарғиботини бошлаган. ИШИДчилар содир этаётган ҳужумлар, оммавий қатллар, исломий мақбараларни вайрон этиш, озчилик миллатларни таъқибга олиш ва бегуноҳ инсонларнинг қонини тўкиш каби ҳолатлар мусулмонларни қаттиқ ларзага солмоқда.



 Қатор таниқли уламолар бу гуруҳнинг қилмишлари, улар содир этаётган хунрезликлар Исломнинг барча тамойил ва қоидаларига мутлақо зид эканини айтиб, унинг фаолиятини ислом дини учун катта таҳдид деб атамоқда. Мисрдаги Фатво ҳайъати хорижий оммавий ахборот воситаларига мурожаат этиб, “Ислом давлати” иборасидан воз кечиб, жангарилар тўдасини “Ироқ ва Суриядаги “ал-Қоида бузғунчилари” деб аташни таклиф қилди.

 Саудия Арабистони бош муфтийи Шайх Абдул Азиз Оли Шайх: “Ироқ ва Суриядаги “ислом давлати” номини ниқоб қилган бузғунчилар ислом динининг душманидир. Чунки улардан кўп инсонлар жабр чекишмоқда. Бу эса энг оғир гуноҳдир”, деб таъкидлади.



ИШИД

“ИРОҚ ВА ШОМДАГИ ИСЛОМ ДУШМАНИ”

**ЭМАС,
“ИРОҚ ВА ШОМДАГИ ИСЛОМ ДУШМАНИ”**

**ИШИДНИНГ
КЎРИНМАС МАҚСАДЛАРИ
ЁХУД УЧИНЧИ ҚЎЛ
КИРДИКОРЛАРИ:**

**ислом маърифати
тарқалишига тўсқинлик
қилиш;**

**бўтун оламини Ислом динидан
кўрқитиш ва чўчитиш;**

**ислом динига нисбатан оммавий
нафратни пайдо қилиш;**

**Ислом дини ва мўмин-мусул-
монларни ёмонотлик қилиш;**

**тешларни жиҳод шиори
остида жувонмарг қилиш;**

**уламоларни кофирга
чиқариш билан йўқ қилиш;**

**мусулмон улкаларида таҳликали
фитналарни уюштириш ва низо
чиқариш.**



«ХАЛИФАЛИК»МИ?

ЁКИ ХАРОБАЛИК?

Ушбу тарихчи халифаликни даъво қилаётган ИШИД жангариларининг қандай бир хатти-ҳаракати муқаддас ислом дини аҳкомларига тўғри келадими? Ахир, Исломда бировни ноҳақдан ўлдириш тугул, унга заррача зарари берилмаслиги ҳар бир мусулмоннинг қонун ҳисобида қатъий ҳақ берилши ҳам қаттиқ қораланади-ку! Бошқаларга тили, кўли би лан қўли бермаган инсон ҳақиқий мусулмон, дея шарафланади. ИШИД вакиллари ислом ҳимоячилари эмас, балки сиёсий мақсадларни кўзлаб олган иннни ниқоб қилиб олган бир гуруҳ жинойтчи бузғунчилардир.

“Ислом давлати” шиори остида четдан туриб бошқарилаётган ушбу ҳудудда ўзини гўёки ислом тартиб-қоидаларига “тўлиқ” риоя этувчи қилиб кўрсатиб, динимизга буткул зид ишларни амалга оширмакда. Ўз ини халифа деб атаган тўдабоши Абу Бакр Бағдодий маҳаллий аҳол уни байъат беришга мажбур қилмоқда, рад этганларни эса ваҳшийларча ўлдириб юбормоқда.




Вайронкор тўда

ИШИДчи газандалар қилаётган золимликлари оқибатида миллионлаб бегуноҳ инсонлар сарсон-саргардон бўлди. Норасида болалар оч ва яланғоч қолди. Масалан, яқинда телевидение орқали берилган хабарда, саҳро ва чўлларда 1 миллион 800 минг одам, айниқса, оч-наҳор болалар чодирларда аянчли ҳолатда кун кечираётгани кўрсатилди. Бир муштипар она, бу ҳолатдан куйиниб: “Ҳозир ҳаво яхши, эртага қиш келса, ҳолимиз не кечади”, деб зорланмоқда. Буларнинг бари узоқни кўра олмайдиган ва дин ниқоби остида фаолият юритаётган малъун шахсларнинг қабих қилмишларидир.



Ироқнинг Мосул шаҳридаги XI — XIII асрларга мансуб ўнлаб масжид ва зиёратгоҳлар террорчилар томонидан бузиб ташланди. Бугунгача ИШИД жаллодлари кўплаб мусулмонларни ва ўзга дин вакиллари қатл этишди. Минглаб оилалар уларнинг тажовузкорлиги оқибатида уй-жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Террорчилар эгаллаб олган ҳудудларда яшаётган бошқа дин вакиллари ҳам ўлим таҳдиди остида ҳар ой 250 АҚШ доллари миқдорида солиқ (жизя) тўлаш талабини қўйишмоқда.



ИШИД Марказий Осиё мамлакатларига ҳам таъсир ўтказмоқда. Шунингдек, Африка, Ўрта Шарқ ва Марказий Осиёдаги 15 дан ортиқ бузғунчи гуруҳлар ИШИДнинг хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватламоқда.

Афсуски, ИШИД таркибига қўшилаётган нодон кишиларнинг сони камаймаяпти, булар орасида ёшларимиз ҳам борлиги жуда хавотирли ҳолат. Энг ажабланарлиси, охириги пайтларда зўравонларга қўшилаётган аёл-қизлар сони ҳам оз эмаслиги маълум бўлди. ИШИД интернетдаги ижтимоий тармоқлар орқали тарғибот юритиб, Ғарб мамлакатларидан ҳам ёшларни ўз сафига қўшиб олишга эришмоқда.

Шаръан ва мантиқан ИМКОНИ ЙЎҚ

Пайғамбаримиз (алай-хиссалом) бир ҳадиси шарифда: “Халифалик мандан кейин ўттиз йил, сўнгра подшоҳлик ва амирликлар бўлади”, деганлар.

(Ибн Ҳиббон ривояти)



Набий (алайхиссалом) вафотларидан сўнг муслмонларга раҳбарлик фақат сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Унда илоҳий раҳнамолик сифати йўқ эди. Саҳобалар давлат ишларини бир неча тузилмалар орқали бошқаришни илгари сурдилар. Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон ва Али ибн Абу Толиб (розияллоху анхум) даврида ҳокимият вазифаларининг (суд, молия ва ҳ.к.) бўлиниши, уларнинг тақсимланиши юз берди. Бу жараёнда давлат бошқаруви тизими аста-секин динийлик қиёфасини йўқотиб, дунёвий тус олиши узил-кесил амалга ошди.

Хулафои рошидиндан кейинги замонларда муайян диний арбоблар – муҳаддислар, қорилар, муфассирлар, фақиҳлар, қозилар қатлами вужудга келдики, энди диний

масалалар бўйича жамоатчилик фикрини халифа эмас, балки ўша арбоблар шакллантирадиган бўлди.

Демак, Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) ҳадисларига кўра, ўттиз йиллик халифалик тугаб, ундан кейин подшоҳлик ва амирликлар даври давом этган. Ислом тарихидаги умавийлар, аббосийлар, усмонийлар давлатлари шартли равишда “халифалик” деб аталган бўлса-да, аслида улар амирлик ёки империя (салтанат)лар эди. Шунингдек, ўтмишда ер юзининг турли ҳудудларида, масалан, Мисрда мамлуклар, Испанияда Куртуба ва Шимолий Африкада фотимийлар халифалигининг вужудга келгани “халифалик жаҳонда якка-ягона (бошқарув) бўлиши керак”, деган хато тушунчага яна бир бор зарба берди.

Энди эса, халифалик тузишнинг шаръан ва мантиқан асло имкони йўқ.

Бирор ҳудудни босиб олган бир тўда ғаламисларнинг “халифалик” даъвосини қилиши ёки байъат олиши динимиз таълимотига бутунлай зиддир.


Зеро, ҳазрат Умар (розиаллоҳу анҳу): **“Кимки муслмонлар маслаҳатисиз бир одамга байъат қилса, бас, унга эргашилмайди”**, деганлар.

Бутун дунё муслмон уламолари кенгаши ўз баёнотида ИШИДни энг ваҳший террорчи ташкилот, унинг Исломга умуман алоқаси йўқ, ҳатто бу тўда аъзолари инсон зотидан эмас, деб таъкидлади. Шунингдек, “Ироқ ва Шом ислом давлати” эълон қилган “халифаликни” шаръан ботил деб фатво берди. Жумладан, мазкур кенгаш раиси аллома Юсуф Қаразовий: “Биз уламолар бузғунчиларга

Ислом манбаларида, хусусан, Қуръони каримда халифаликни барпо қилиш бўйича ҳеч бир далил ҳам, қатъий кўрсатма ҳам мавжуд эмас

қарши курашмоғимиз зарур. Ҳозир ИШИД таркибида алданган ёшлар жуда кўп. Улар “кофирларга қарши жиҳод қиляпмиз, орзу имиз жаннат”, дейишяпти-ку, аммо муслмонларни қатл этиб, оғир гуноҳга ботишяпти. Биз бундай нобакорликнинг олдини олишимиз керак”, деди.

Мана шундай қарши дилларга қарамай, ИШИД ислом динини ниқоб қилиб олиб, ўзича халифалик тузишга уринмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, барча муслмон давлатларини ягона халифаликка бирлаштириш мақсади ҳам ҳеч ақлга сиғмайдиган сафсатадир. Бундай сохта ғоялар тагида кир ниятлар кўзланганини асло эсдан чиқармаслик зарур.





Ассосиз фатво — дўзахга ҳужжат

Фатво беришнинг масъулияти жуда ҳам оғир. Шунинг учун саҳобалар, тобеинлар ёки улардан кейинги даврда яшаган уламолар ҳам фатво беришда доим эҳтиёт бўлишган. Масалан, улуғ тобеин Шаъбийдан бир гал савол сўрашганида, у киши: “Билмайман”, дейди. Шунда баъзи одамлар: “Сен Ироқ фақиҳи бўлсанг, “билмайман” дейишга уялмайсанми?”, дейишади. Шаъбий: **“Фаришталар: “Зоти покнинг ҳаққи, бизда Ўзинг билдирганингдан ўзга илм йўқдир”** (Бақара, 32), дейишга уялишмаган, мен нега уялай”, деб жавоб беради.

Ушбу масалада Имом Молик: “Инсон бирор саволга жавоб беришдан олдин ўзини дўзах ёки жаннатда тасаввур қилсин, кейин жавоб берсин”, деганлар. Ҳар қандай ҳолатда ҳукм чиқариш зарур бўлса, аввало, мазҳаб-

лар таълимотига таянилади, агар уларда масаланинг ечими топилмаса, мусулмонларга осонлик ва қулай шароит яратиш нуқтаи назаридан фатво беришга салоҳиятли ҳамда ваколатли мужтаҳид олим фатво чиқариши мумкин.

Демак, фатво мусулмонлар ҳаётида жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис фатво беришга ҳамма ҳам ҳақли эмас. Айниқса, бузғунчи, ғаламисларнинг ўз қора мақсадларига мослаб фатво чиқариши жуда катта фитна, оғир гуноҳдир.

ИШИД ўз кирдикорларини “шаръий”, деб исботлаш учун турли асосиз “фатволар” чиқаришга зўр бермоқда. Бу иши билан илмсиз, ғўр инсонларнинг адашиб, гуноҳ йўллариغا кириб кетишига сабаб бўлмоқда.

“Ироқ ва Шом ислом давлати” террорчилари турли манбалардан олинган маълумотларни ўз қинғир йўллариغا мос тарзда шарҳлашмоқда. Масалан, одамларни қатл этиш, ёшларни қул қилиш, аёлларни мажбуран эрга бериш ва ўз тўдабошиларини халифа деб атаб, босқин билан эгаллаган ҳудудларини эса “Ислом давлати” дейиш ва бошқа шу каби қабих ишларни ёқлаб, ҳеч бир асоссиз фатволар беришяпти.

Ваҳоланки, ислом қоидаларига биноан, фатво бериш ҳуқуқи, юқорида қайд этилганидек, ақида, фикр илмида мукамал даражага етган, Қуръон ва ҳадис илмини тафсирлари ва турли шарҳлари, санадлари билан тўлиқ ёд билувчи, қолаверса, муфтий мартабасига эга бўлган муайян шахсларгагина берилиши маълум.

Расулulloҳ (алайҳиссалом)нинг **“Кимда-ким илмсиз фатво берса, унга Аллоҳ таоло, фаришталар, осмону ердаги барча мавжудотларнинг лаънати бўлсин”** (Ибн Асокир), деган ҳадислари ҳам бузғунчиларнинг бундай даъволари ислом асосларига нақадар зидлигини кўрсатади.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда “Ироқ ва Шом ислом давлати” томонидан террорчилик каби ёвузликларни Исломга боғлаб, жаҳон халқлари орасида муқаддас динимиз ва мусулмонларга нисбатан нафрат ва қўрқув уйғотаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ўзларининг манфур ишларини амалга оширишда “бююртма” бўйича динимизга зид ҳолда чиқарилган “фатволар”дан кенг фойдаланишаётгани ҳам барчага маълум.

Бундай қинғир ишлар катта гуноҳ экани тўғрисидаги уламолар томонидан мўътабар манбалар асосида берилаётган раддияларни тан олмаётган биргина ИШИД эмас, балки

турли фирқа ва оқимлар тарафдорлари ҳам оят ва ҳадисларда таърифланган адашган, ғофил кимсалардан бошқа одамлар эмас. Чиндан ҳам жоҳиллик инсон ҳаётини барбод қилади, охиратини куйдиради.

Аллоҳ таоло тафаккур қилмайдиган, кимсаларни: **“...Уларда қалблар бор, (лекин) улар билан “англамайдилар”. Уларда кўзлар бор, (лекин) улар билан “кўрмайдилар”. Уларда қулоқлар бор, (лекин) улар билан “эшитмайдилар”. Ана ўш алар ҳайвонлар кабидирлар. Балки улар (янада) адашганроқдирлар. Айнан ўш алар ғофиллардир”** (Аъроф, 179), деб таърифлайди.



раҳбари дин илмидан буткул беҳабар эк ани аниқ далиллар асосида кўрсатилди. Шу ўринда Юртбошимизнинг бундан 13 йил аввал Афғонистон тоғларида беркиниб олган террорчи-каллакесарлар бошлиги ўзини “муслмонлар раҳбари” деб эълон қилганини қоралаб айтган сўзларини келтириш ўринлидир:

– “Ислом тафаккури, ислом фалсафаси, ислом маданияти марказлари деганда барча муслмонларнинг кўз олдига, энг аввало Маккаю Мадина, Бағдод ва Дамашқ, Қоҳира ва Машҳад, Самарқанду Бухоро каби кўпгина табаррук масканлар келиши табиий. Аекин бугун ўзи уя қуриб олган тоғу тошларни ислом маркази деб даъво қилаётган террорчи газандаларнинг сурбетлиги шу даражага етмоқдаки, уларнинг бошлиги ўзини, нима эмиш, «амирул-мўминин», яъни Ер юзидаги барча муслмонларнинг амири, подшоси деб эълон қилибди. Ўз-ўзидан савол тугилади: дунёдаги бир ярим миллиарддан ортиқ муслмон номидан гапиришга ким уларга ваколат ва ҳуқуқ берибди? Ахир, ўзингиз бир ўйлаб кўринг, Қуръони карим нозил бўлган муқаддас замин – Саудия Арабистони подшоси ҳам хокисорлик билан ўзини икки муқаддас масжиднинг ходими, хизматчиси деб атайди-ю, зоти зурриёди, насл-насабининг тайини йўқ аллақандай кимсалар бутун муслмон умматига раҳнамолик даъво қилади?..

Мана шундай қабих кучлар муқаддас туйгуларимизни оёқ-ости этса, куппа-кундузи дину диёнатимизга тухмат қилса, бунга бепарво қараб, бефарқ бўлиб ўтиришга бизнинг ҳаққимиз борми? Кўксиди озгина виждони, имони бор ҳар қандай одам бундай ярамас ишларни кўрганда ўз-ўзидан ёниб кетмайдими?”.



Холис фикр

Юқорида келтирилган далил-ҳужжатлардан ИШИД гуруҳи даъволари ботил экани ҳамда уларнинг фаолияти Аҳли Сунна вал-Жамоа йўлига асло тўғри келмаслиги очиқ кўриниб турибди. Агар улар келтираётган ҳужжатлар тўғри бўлганида ёки ислом ниқоби остида амалга ошираётган ҳаракатлари динимиз кўрсатмаларига зид келмаганида, замондош уламолар уларга қарши раддиялар ёзмаган ва ушбу гуруҳ томонидан содир этилаётган ишларни қораламаган бўлардилар.

Маълумки, дунёнинг энг кўзга кўринган уламоларидан бир юз йигирма олти нафари ИШИД гуруҳи аъзоларига Очиқ хат йўллади. Очиқ хатда уламолар энг аввало покиза ислом динига турли-туман бўҳтонлар ёғдирмасликка, бегуноҳ инсонлар қони тўкилишининг олдини олишга, аёлларни ва ёш болаларни таҳқирламасликка, динлар ўртасида низо қўзғатмасликка ҳамда ўзга дин вакилларига нисбатан иззат-ҳурматда бўлишга чақирдилар.

Агар ИШИД гуруҳи аъзолари ўзлари айтаётгандек, ислом дини кўрсатмаларига тўлиқ амал қилганларида эди, улар илмда, тақвода, тажрибада ўзларидан бир неча минг марта устунроқ кишиларнинг сўзларига кирган бўлардилар. Лекин улар қайсарлик, кибр ва манманликка берилиб, зулмни ҳаддан ошириб, зулмат ботқоғига тобора чуқурроқ ботиб бормоқдалар.

Агар уларда озгинагина ақл-фаросат ва инсоф бўлганида эди, ушбу уламолар жамоаси йўллаган Очиқ хатда келтирилган далиллар ўзлари даъво қилаётган сохта ғояларидан кўра минг чандон тўғрилигини тушуниб етган бўлардилар. Афсуски, улар ўзлари ижро қилаётган манфур роллардан воз кечишни исташмаяпти. Чунки уларнинг асл мақсадлари ислом дини ҳеч бир қонунни эътиборга олмасдан, барчага ашаддий зўравонлик билан таҳдид қилади, деган ғояларни жаҳон оммаси онгига сингдиришдир.

«Эй, имон келтирганлар! Шайтоннинг изидан эргашмангиз! Ким шайтоннинг изидан эргашса, бас, албатта, (шайтон) бузуқлик ва ёвузликка буюрур...» (Нур, 21).




ТУҒРИ ИУЛДАН АДАШГАНЛАР

...оти уламоларга нисбатан жуда кескин, аёвсиз ҳаракатда бўлиб, баъзи уламоларни очиқчасига қоч бир асоссиз кофирга чиқарса, бошқаларини қатл этишгача бориб етди. Масалан, 2014 йил 14 июнь куни ИШИДчилар жиноий ишларини маъқулл амаган 12 нафар уламон и Мосул шаҳр идаги “ал-Исро” масжиди ёнида намоишкоро на қатл этишди.

Мўтабар фикхий китобларда шарият илмини ўргатадиган уламоларни ҳақорат қилган ёки кофир деб айтган кишига жазо тайин қилиниши баён қилинган. Машхур муҳаддис аллома Абул Қосим ибн Асокир илм аҳл ларига одобсизлик қилувчи кишиларни огоҳлантириб, бундай деган: “**Ким бирор олимни ҳақорат қилса, Аллоҳ таоло ушбу кимса қалбининг ўлими билан балога гирифтор қилади**”.

Зеро, Муҳаммад (алай-хиссаллом): «Уламолар пайгамбарларнинг меросхўрларидир», деганлар.

Олимларни
ҳақоратлаган
балого
йўлиқади



Мусулмонни кофир дейиш кечирилмас

ИШИД гуруҳи аъзолари мусулмонларни кофирга чиқариш билан энг оғир гуноҳга ботмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад эса, инсонларни кофирликда айблаб, шу орқали уларга қарши уруш эълон қилишга баҳона топишдир.

Расулulloҳ (сол-
лаллоҳу алайҳи ва
саллам): «**Ким ҳам-
мани ёмон деса, ўзи
ёмон**» деганлар.

Зеро, ислом дини кўрсатмаларида бир инсонни кофир дейишга шошилмаслик, унга қилаётган иши нотўғри эканини ётиғи билан тушунтириш лозимлиги таъкидланади.

ривоят қилган ҳадисда бундай дейилади: «Уч нарса имоннинг аслидир: «Лаа илаҳа иллаллоҳ (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ!)» деган кимсага тегмаслик; гуноҳи боис уни куфрда айбламаслик; амали учун уни Исломдан чиқармаслик». Бошқа бир ривоятда эса: «Кимда- ким ўз биродарини “кофир” ёки “фосиқ” деса, агар ўша инсонда шу нарса топилмаса, унинг ўзи шундай бўлибди», деб таъкидланган.


Ислом дини таълимотига кўра, Аллоҳнинг ягоналиги, Пайғамбар (алайҳиссалом) Унинг элчиси эканига имон келтирган, ислом динига эътиқод қиладиган ҳар қандай киши мўмин ҳисобланади. **Ҳеч кимга инсоннинг имонини ўлчаш, унинг мусулмон ёки кофирлигини аниқлаш ҳуқуқи берилмаган. Чунки имон қалбда бўлади. Қалб эса фақат Аллоҳнинг ҳукмидадир.**

Замонамизнинг машҳур алломаси доктор Юсуф Қаразовий бир мусулмонни кофирга чиқариш хусусидаги саволга бундай жавоб берган: «Ким Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад (алайҳиссалом) Унинг Расули эканига қалби билан тасдиқлаган ҳолда гувоҳлик берса, у мусулмондир. Унга ҳамма мусулмонларга қилинадиган муомала қилиниши керак».

Бугун ИШИД фитначилари мусулмонларга “кофир” деб айб қўйиб, диндошларига қарши уруш эълон қилишгача бормоқда. Улар ўз жамоатларидан четлашган, ҳижрат қилмаган, ИШИДчилар “кофир” деган кишини кофир ҳисобламайдиган одамларни “куфр”да айблаб қатл қилмоқда. Ваҳоланки, ислом таълимотига кўра, ширкдан ташқари ҳар қандай гуноҳ қилган инсон токи ўша гуноҳини ҳалол деб ҳисобламас экан, кофир бўлмайди.

Мусулмон кишини кофирга чиқариш мумкин эмаслиги борасида Имом Абу Довуд

Шунингдек, калимаи шаҳодатни айтиб, ўзининг мусулмонлигини билдириб турган кишининг жонига, молига зарар етказмаслик зарур. Зоҳирида мусулмон бўлиб кўриниб, Ислом амалларини қилаётганлар билан яхши муомала қилинаверади. Кишиларнинг ички сирлари Аллоҳнинг Ўзига ҳавола. «Лаа илаҳа иллаллоҳ»ни айтиб, мусулмон бўлган одамни қилган гуноҳи туфайли кофирга чиқармаймиз. У кофир эмас, осийдир. Калимаи тавҳидни айтиб турган одамни амали учун диндан чиқарилмайди. Эътиқоди бузилмаса, исломдан чиққан ҳисобланмайди.



«Аҳли Сунна вал-Жамоанинг тўрт мазҳаби:

...ҳанафий, моликий, шофиъий, ҳанбалий мазҳабларига эргашувчи ҳар бир шахс мусулмондир. Уни кофир дейиш, жонига қасд қилиш, шаъни ва мол-мулкига тажовуз қилиш мумкин эмас...»

Юқорида келтирилган фикрлар асосида айтиш мумкинки, ҳеч кимга бошқа бир кишини «кофир»ликда айблаш ҳуқуқи берилмаган. Чунки инсон қалбида кечаётган ҳис-туйғуларни Яратгандан бошқа ҳеч ким билмайди.





ИШИДНИНГ ШАЙТОНИЙ ФИТНАЛАРИ

ИШИД фитначилари ҳозир барча ислом диёрларидаги амал қилаётган шаръий аҳкомлар шайтоннинг ҳукмларидир, дея даъво қилишмоқда. Хатто уларнинг бузуқ эътиқодларига кўра, бугунги кунда Маккаи мукаррама Дорул ислом эмас, балки “Дорул ҳарб” эмиш. Улар фақат ўзлари турган жойнигина “дорул имон” ва “дорул ҳижрат”, деб атаб, бошқа жойларга эса мунофиқона тарзда куфр ва муртадлик диёри, дея нисбат беришяпти.

МАЗҲАБИМИЗДА МЎЪТАБАР САНАЛГАН “РАДДУЛ МУХТОР” АСАРИДА БУНДАЙ ЁЗИЛГАН:


“Ислом диёри фақат қуйидаги учта шарт жамлангандагина куфр диёрига айланади:

1) ширк аҳлининг ҳукмлари юритилиши билан, яъни мушрикларнинг ҳукми ошкор юритилиб, мусулмонларнинг ҳеч бир ҳукми юритилмаганидан кейин куфр мамлакати бўлади;

2) Ислом диёри куфр мамлакатларига қўшилиб, бирлашса;

3) Мамлакатда бирор та ҳам жавфсиз мусулмон қолмаса”.

Мазкур уч шартнинг ҳаммаси бир мамлакатда топилса, у жой куфр диёрига айланади. Агар улардан бири ёки иккитаси топилиб, қолганлари топилмаса, Ислом юрти бўлиб қолаверади. Ислом ҳукмлар и деганда, жума ва ҳайит намозларини адо этиш, муфтий сайлаб, унга эргашиш, ҳаж сафарига шароит яратиш кабилар ҳам тушунилади.



Бугунги кунда дунёда Япониядан тортиб Жанубий Америка мамлакатларида ҳам муслмонлар учун масжидлар бино қилинмоқда ва ҳаж сафари учун шароитлар яратиб берилмоқда. Чунончи, “Раддул мухтор” китобида ёзилганидай: “Дорул ҳарб муслмонларнинг жума намози ва ҳайитларига ўхшаган ҳукмлар юритилиши билан Ислом юртига айланади, гарчи у ерда кофирлар бўлса ҳам, гарчи ислом давлатига қўшни бўлмаса ҳам”.



ИШИД бузғунчилари инсонлар орасида фитна кўзғаш, парокандаликни юзага келтириш ҳамда шу орқали ўзларининг ғаразли мақсадларига эришиш учун турли хил услуб ва воситалардан фойдаланмоқда. Шулардан бири, маълум бир давлатни “куфр диёри” деб атаб, у ердан ҳижрат қилиш лозим, шунингдек, бундай “куфр диёрлари”га қарши уруш олиб бориш керак, деган ғоядир.

Умуман олганда, “дорул ислом” ва “дорул куфр” каби тушунчаларнинг луғавий, истилоҳий маънолари ҳамда уламоларнинг бу борадаги фикрларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

“Дорул ислом” диний истилоҳ бўлиб, луғатда “ислом диёри” деган маънони анг-

латади. Истилоҳда эса, “ислом арконлари амалда бўлган ҳудудга нисбатан қўлланилади”.

“Дорул ҳарб” ёки “дорул куфр” тушунчалари эса “уруш диёри”, “куфр диёри” мазмунини билдириб, юқорида айтилган ҳолатга зид бўлган, яъни ислом арконларини бажаришга умуман йўл қўйилмайдиган ҳудудга нисбатан қўлланилади.

Ушбу масалада фақиҳларнинг қарашлари турли хил. Баъзи уламолар диёрларни иккига, “Дорул ислом” ва “Дорул ҳарб»га ажратса, бошқалари бунинг қаторига учинчи – “Дорус сулҳ”ни ҳам қўшади. “Дорус сулҳ”, луғатда сулҳ, аҳд диёри маъносини англатади.





✓ Абдулқодир Авда айтади: “Дорул ислом – ислом арконлари амалда бўлган ёки унда яшовчи мусулмонлар ислом арконларини бажаришларига монелик бўлмаган ҳудуддир.

✓ “Бадоеус саное”да: “Куфр диёрида намоз ўқиш, рўза тутиш каби ислом аҳкомларига амал қилиниши билан у ислом диёрига айланади”, деб таъкидланган.

✓ Ислом оламида машҳур бўлган уламо Муҳаммад Абу Заҳра бундай дейди: “Баъзи кишилар каби шариат аҳкомлари жорий қилинмаганини ҳисобга олган ҳолда, бу ҳудуд “дорул ислом”, бошқаси “дорул куфр” деб айта олмаймиз. Ҳозир Мағрибдан то Машриққача жойлашган давлатларда шариат аҳкомлари татбиқ қилинмаса ҳам, барчаси “дорул ислом” ҳукмидадир. Чунки у жойларда яшаётган мусулмонлар омонликда ҳаёт кечиришяпти ва уларнинг динига ҳеч қандай хавф йўқдир”.

“ҲИЖРАТ” сўзи ҳақида

“Ҳижрат” сўзининг луғавий маъноси “тарк қилиш”, “ташлаб кетиш”, “ўз ватанидан бошқа жойга кўчиш”-дир. Истилоҳда эса динига эркин амал қилиш имкони бўлмаганда ва юртида беш вақт намоз каби фарз амалларни бажариш амримаҳол бўлиб қолган пайтдагина, қодир кишиларнинг бошқа юртга кўчишларини англади. Уламолар сўзларига кўра, ҳижрат юқорида айтилганидай, танг ҳолат юзга келганида, яъни асосий фарз амалларини бажариш имконсиз бўлиб қолганидагина амалга оширилади.

“Ҳижратнинг энг афзали – Аллоҳ таоло қайтарган нарсани тарк этмоқдир”,
(Имом Аҳмад ривояти).

ИШИД вакили:
“Ҳижрат қилмасанг, кофир бўласан!”, дея фитна хабар тарқатди.

Бироқ ҳозир ИШИД каби бузғунчи ташкилот ва оқимлар ҳижратни ўз қора мақсадларига мос равишда талқин қилиб, масжидларда жамоат билан беш маҳал намоз адо этилиб турган, мусулмонлар Исломи арконларига эмин-эркин амал қилиб келаётган мамлакатларни ҳам дорул ҳарб (уруш диёри) ёки дорул куфр (куфр диёри)га чиқаришмоқда. Бу борада нозил бўлган оят ва ҳадисларни бузиб талқин этиб, ғўр кишиларни бундай жойлардан ҳижрат қилишга ундамоқда. Ҳижрат қилмаганларни эса куфрда айбламоқда. Ваҳоланки, мусулмонлар ўз динларига бемалол амал қилган ҳолда яшайдиган диёр дорул Исломи ҳисобланади. Бундай юртдан ҳижрат қилиш мумкин эмас.

Беш маҳал намозини ўқиб, рўзасини тутиб, фарзи айн бўлган ҳукмларга амал қилиб юрган мусулмонларга: “Ҳижрат қилмасанг, кофир бўласан!”, дейиш ботил даъводан ўзга нарса эмас. Бунинг устига: “Ҳижрат қилмаган кофир бўлади” деб айтаётганларнинг бузуқ фикрига биноан, ҳозир гўё ҳамма мамлакатлар дорул куфр бўлиб, ҳижрат қилишни эса фақат ўзларининг ҳарбий лагерларигагина мос деб ҳисоблайдилар. Мана, гап қаерда!.. Шундай экан, ИШИД каби адашган фирқаларнинг ифвогарона чақириқларига асло учмаслик лозим.

Исмим Шоҳиста, 1989 йили туғилганман. Мақтаб ва лицейни аъло баҳоларга тугатганим сабабли Германиядаги нуфузли ўқув юртларидан бирига ҳеч қийналмай ўқишга кирдим. Ўқишим яхши, камчилик йўқ, фақат ота-онам ва дўстларимни кўргим келар, Ватан соғинчи қийнар эди. Кунларнинг бирида курсдошим бу ерда мендан бошқа яна бир ўзбек қизи борлигини, хоҳласам, у билан таништиришини айтди. Юртимни, ўзбек тилини, миллатдошларимни соғинганим учун дарҳол рози бўлдим.

лари бошланишига ҳам оз қолган эди. Ватанга қа йтишга чоғланиб юрган кезларимда Одина: “Боришинг шартми, шу ерда қол, бирга ҳижрат қиламиз, бизга раҳнамолик қиладиган киши билан гаплашдим, яқин кунларда Ироққа олиб кетишини айтди”, деб қолди. Мен паспортимни алмаштириш фурсати етганини, бориб келишим зарурлигини айтдим. Одина агар уйга қайтадиган бўлсам, ўзим билан флешкадаги маълумотларни олиб кетиб, у ердагиларга ҳам дин ҳақида гапиришимни, ҳижрат қилиш кераклигини тушунтиришим,

ХОРИЖДА ЎҚИЙМАН ДЕБ...



Қизнинг исми Одина экан. Биз у билан яқин бўлиб кетдик. У бошқа институтда ўқиши, ҳар кун дарсдан сўнг кўришиб туришимиз мумкинлигини айтди. Шундай қилиб, бирга дарс тайёрлайдиган бўлдик. Одина суҳбатларимиз пайтида менга Исломнинг моҳияти, динимиз арконлари ҳақида ҳам гапириб берарди. Бир куни у менга бир журнални кўрсатди, ўзбек тилида бўлгани учун уни қизиқиш билан ўқий бошладим.

Унда Ватанга қоралангани, юртимиз ҳақида турли бўҳтонлар ёзилгани учун кайфиятим тушиб кетди. Буни сезган Одина менга жиҳод, ҳижрат, кофирларга қарши кураш ҳар бир мусулмон учун фарз экани, бу йўлда хотин-қизлар ҳам қилиши зарур бўлган ишлар борлиги ҳақида сўзлади. Мен диндан умуман беҳабарлигим учун унинг гапларига ишондим. Ислом дини шундай экан, деган фикрга келдим.

Энди у деярли ҳар куни мамлакатимизга қарши фикр билдирар, барчамиз бирлашиб, ислом давлати тузишимиз даркорлигини уқтирарди. Шундай кунларнинг бирида у менга диний маъруза варақалари ва жиҳод, ҳижратга тарғиб қилувчи видеолар ёзилган флешкартани берди. Мен ҳар куни янги маълумот олаётганимдан хурсанд эдим. Ўқишимизнинг 1-босқичи тугаб, таътил кун-

ҳижратга рози бўлган қизларни бирга олиб келишим лозимлигини уқтирди.

Мен Ватанга қайтдим. Уйимдагилар мендаги ўзгаришларни кўриб, ҳайратда қолишди. Укаларимга телевизор кўришни тақиқладим. Ҳаттоки оила аъзоларимни кофирга чиқариб қўйдим. Бувим мендан нима учун ўзимни бундай тутаётганимни сўради. Ислом дини бағрикенглик дини экани, унда фақат яхшилик қилиш буюрилганини айтди. Мен бувимдан кўра кўп нарса биламан, деб ўйлардим. Шу сабабли у кишининг гапларига ишонгим келмасди. Бир муддатдан сўнг, дугоналаримга Одинадан эшитганларимни ўргатга бошладим. Улар нотўғри яшаётганликларни, биз ислом давлати тузишимиз кераклиги ва жиҳод ҳақида гапириб, флешкадаги маълумотларни кўпайтириш учун бериб юбордим. Видеоларни дугоналаримдан бирининг отаси кўриб қолиб, тегишли ташкилотларга мурожаат қилибди...

Мана, ҳозир кўзим очилди. Ислом динининг асл моҳияти, у фақат эзгуликка ундашини билдим. Динимизда Ватанни асрашга, унинг тинчлиги учун курашишга чақирилган экан. Шундай тинч, фаровон дийоримизга қарши ҳаракат қилганимдан афсусдаман. Бувижон, сизнинг гапингизга кирмадим, мен и кечиринглар...

Залолатга байъат ҳаромдир

Бугунги кунда байъатнинг асл кўриниши ва моҳияти бутунлай йўқолган. Муслмон мамлакатларида ҳам фуқаролар давлат бошлиқларига қўл бериб, байъат қилишмайди. Балки сайлов орқали давлат бошлиғи тайинланишининг ўзиёқ шаръан ва қонунан унга итоат қилишни тақозо этади.

Ҳатто тариқат шайхларига қилинадиган байъат хусусида ҳам уламолар ижобий сўз айтишмаган. Зеро, асл моҳиятидан келиб чиқилса, олдинги даврларда “байъат” бир одамга, яъни давлат бошлиғига бўлган эди. Тариқат шайхлари эса жуда кўп бўлиб, уларнинг ҳар бири муридларидан ўзига байъат олади. Сохта тариқатчилар орасида: “шайхга байъат қилиш керак, ким байъат қилмаса, фалон бўлади, уни бузиб бўлмайди, ким байъатини бузса, фалон бўлади”, деган уйдирмалар ҳам тарқалиб кетган.

Тариқат шайхларига қилинадиган байъат Қуръону ҳадисда айtilган эмас.

Фуқоҳолар фатволарида шайхларга бериладиган байъат Қуръони карим ва суннати мутохҳарада зикр этилган байъат эмаслигини таъкидлашади.

Имом Суютий (раҳматуллоҳи алайҳ) дан “Танқиҳул Фатовий ал-Ҳомидия” китобида: “Бир киши аввал бир шайхга, кейин яна бошқа бир шайхга аҳд берди. Унга ўша икки аҳддан қайси бири лозим бўлади? деб сўрашганида “Унисини ҳам, бунисини ҳам лозим бўлмайди. Чунки бу асли йўқ нарсадир”, дейилгани нақл қилинади.


«ШАҲИДЛИК» НИҚОБИДАГИ ҚОТИЛЛИК

Сўнги вақтларда масжид, метро, автобус, бозор каби одамлар гавжум бўладиган жойларда ўзини портлатувчи худкушлар томонидан муҳиш қўпурчилик ишлари содир этилмоқда.

ИШИД каби бузғунчи ташилотлагача мансуб шахслар ана шундай қабил ва разолатдан иборат жиноятларни қиларича “шаҳидлик” деб даъво қилишмоқда.



Расули ақрам (солаллоху
Аллоҳу ва саллам) ва
Аллоҳнинг қўлига қайтарилган
қўли билан қўлини қўйиб
қўли билан қўлини қўйиб



ИШИД худкушлик амалиётини оқлаш мақсадида дин номи билан “жиход”, “кофирга чиқариш”, “ўзини-ўзи ўлдириш” каби масалаларда бир-бирдан хатарли “фатволар” бераётгани ўтакетган тубанликдир. Айрим сохта, жоҳил фатво берувчиларнинг гўёки дин йўлида ўзини ўлдиришга изн берувчи ҳужжатлар чиқаргани ва худкуш-камикад-еларни “шаҳидлар” қаторига киритганини қандай қабул қилиш мумкин?




Шаҳидлик – Ислом динига кўр
Аллоҳнинг ризоси йўлида фидойил
қилган, имони, эътиқоди, номусини
сақлаш йўлида золим душман қўлида
қатл қилинган кишиларга Аллоҳ то
монидан бериладиган даража демакдир.
Пайғамбаримиз (с.а.в.) ички касалликлар
хуружи билан ўлган, жони, моли, ор
номуси ҳимояси йўлида ўлдирилган ва
турли сабаблар билан фожиали ҳалокатга
учраган кишиларга ҳам шаҳидлик мақоми
берилади, деб башорат қилганлар.

Ҳозирги кунда ИШИД ўз-ўзини
портлатиш билан шаҳидлик мақомини
олиш мумкин эканини исботлашга
уринмоқда. Ўз-ўзини портлатишга
мисол тарзида Пайғамбаримиз (с.а.в.)
даврларидаги ғазавотлардаги ҳолат
лардан мисол келтиришади. Аммо ушбу
ривоятларда душман билан юзма-юз
турган пайтда жангга киргандан кейин
ҳалок бўлишини ривоятларнинг зоҳири
кўрсатиб турибди. Яъни ривоятлардан
бирортаси тинч аҳолининг устига
портловчи модда билан кириб боришга
қийосий далил бўлолмайди. Чунки у
ердаги ҳолат бу ерда жанг ҳолати ка
би эмас. Душман билан бўлаётган жангда
ўлса шаҳид, тирик қолса ғозий бўлади.
Бир сўз билан айтганда шаҳид бўлиши
ҳам, ғозий бўлиши ҳам мумкин. Яъни
шаҳид бўладими ёки тирик қолиб ғозий
бўладими ўзи билмайди. Лекин ўзини
ўзи портлатаётганлар аниқ биладик
портлатгандан кейин ўлади. Бу ҳолат
шаҳидлик даражаси эмас, балки ўз
жонига ва ўзга бегуноҳларнинг жонига
қасд қилишдир. Бундай шахс шаҳидлик
даражасига эмас, балки гуноҳкор дўзах
қаторига қўйилиши аниқ
қарордир.

Бугунги кунда “шаҳидлик мақомига эришаман” деб, ўзини-ўзи портлатиб, ўзи ва бошқалар ҳаётига зомин бўлаётганлар учрамоқда. Улар сохта “шайхлари” чиқарётган “фатволар”га амал қилган ҳолда, бундай разил ишларга қўл ураётгани ҳаммининг нафратини кўзғамоқда. **Ана шундай бир худкушлик натижасида, Аллоҳнинг уйи, яъни жоме масжидида мусулмон дунёсининг забардаст олими Рамазон Бутий ҳамда 40 нафардан ортиқ инсон ҳаётдан кўз юмди.**



Ваҳоланки, Қуръони карим оятлари, Пайғамбар (алайҳиссалом) ҳадиси шарифлари, мужтаҳид уламолар асарлари





Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда бундай дейилади: **“Ким ўзини тоғ тепасидан ташлаб ўлдирса, ўлганидан кейин ҳам жаҳаннамда шу хил азобга гирифтор бўлади. Ўзини сувга ташлаб ё осиб ёки куйдириб ўлдирган кишиларнинг ҳукми ҳам унинг ҳукми билан баробардир”**.

Яна бир ҳадисда бундай дейилади: **“Аллоҳ таоло ҳадиси қудсийда баён қилади: “Бандам ўзини-ўзи ўлдириб, Мен унга берган умрга шукр қилмай, шошилди. Шунинг учун унга жаннатни абадий ҳаром қилдим”** (Имом Бухорий).

Ўзини-ўзи ўлдириш бу ўз ҳаётини қасддан тўхтатишдир. Шариаат нуқтаи назаридан бу ҳаракат қаттиқ қораланади. **ИШИД “ўзини ўлдириш” тушунчасини шаҳидлик деб талқин қиляпти. Ўзини-ўзи ўлдиришни “шаҳидлик” деб баҳолаш айна адашиш, жиноятнинг ўзгинасидир.**

БОТИ ҚИЁС

ИШИД жиноятчилари ўз раҳнамоси томонидан айтилган, худкушликка умуман алоқаси бўлмаган тарихий воқеалардан ўз қилмишларини оқлаш учун фойдаланишмоқда.



Масалан: Ислом тарихидаги “Ямома” жангида саҳобалар душман дарвозасини очиши учун Баро ибн Моликка қалқонларни боғлаб, қалъа ичкарасига киргизишган. Шундай йўл билан, у қалъага кириб, душман билан олишган, охир-оқибат дарвозани очишга муваффақ бўлган эди.

Ҳозир мазкур воқеани бузгунчи оқимлар ўз қилмишларини амалга ошириш учун далил қилиб келтиришмоқда. **Бироқ тарихдаги воқеа жанг майдонига, икки тараф ўртасида бўлаётган уруш ҳолатига тегишлидир.** Аммо ушбу воқеа тинч яшаётган аҳоли орасига махсус портловчи камарларни таққан ҳолда кириб, ўзини портлатиб юбориш ва бегуноҳ кишилар ҳаётини барбод этиш учун асло далил бўла олмайди.

Набий (алайҳиссалом) уруш ҳолатида ҳам кексаларга, ёш болаларга, аёлларга тегмасликни, дарахтларни кесиб, уйларни вайрон

қилмасликни буюрганлар. Шундай экан, ўзини портлатиш орқали тинч аҳолини ўлдираётган худкушларни оқлаш сира ҳам мумкин эмас. Улар бундай хатти-ҳаракатлари билан бутун дунёда мусулмонлар номига доғ тушираётган, муқаддас ислом дини ҳақида ёмон тасаввур уйғотаётган манфур кимсалардир.

Уларнинг бу иши шаҳидлик эмас, балки худкушлик ва қотилликнинг айнаи ўзидир. **Ҳатто ўзга динга мансуб тинч аҳолини ўлдириш динимизда қайтарилган экан, қандай қилиб мусулмон инсон ўз мусулмон биродарини ўлдириши мумкин?!**

Ўз жонига қасд қилиш, моли ва жонини хатарга қўйиш каби ишлардан динимиз қайтаради.

«Кимда-ким шу (қотиллик)ни адоват ва зулм юзасидан қилса, албатта, Биз уни дўзахда куйдирамиз. Бу (эса) Аллоҳга осондир» (Нисо, 30).



Инсон пичоқ, заҳар ёки бошқа нарса билан бегуноҳ бир инсонни ўлдирса, бу иши билан у барча одамларни ўлдирган ҳисобланади. Аксинча, бир инсонга ёрдам бериб, унинг жони, молини сақлаб қолган одам эса барча одамларни сақлаб қолган саналади. Қуйидаги оят ҳам шунга далолат қилади:

“Бирор жонни ўлдирмаган ёки Ерда (бузғунчилик ва қароқчилик каби) фасод ишларни қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир



Ва



унга ҳаёт бахш этган (ўлим дан қутқариб қолган) одам эса барча одамларни тирилтирган кабидир”
(Моидда, 32).

Мўминни ўлдирганнинг жазоси жаҳаннам!

“Кимда-ким қасдан
бир мўминни ўлдирса,
унинг жазоси жаҳаннамда
абадий қолишдир. Яна
унга Аллоҳ ғазаб қилгай,
лаънатлагай ва унга улкан
азобни тайёрлаб қўйгай”
(Нисо, 93).

ИШИД
жа нгарлари
ўлдирмоқчи бўлиб
турган одамларни мас-
хара қилиб, уриб-сўкиб:
“Ҳозир сизларни қўйдек
бўғизлаймиз”, деб ка-
лака қилишади.

• ИШИД жиноятчилари қора мақсад-
лари йўлида инсонлар ҳаётига суиқасд
ва бошқа турли вайронкор ишларни тап-
тортмай қилишмоқда. Масалан, **Сурияда
бўлаётган террорчиликлар оқибатида юз
мингга яқин одам ҳаётдан қўз юмди, мил-
лионлаб киши ногирон бўлди.** Сурия ҳуку-
мати ва курд аскарлари орасига худкуш-
лар кириб, ўзини портлатиши оқибатида,
бир неча юзлаб кишилар қурбон бўлди.
**Улар таълим даргоҳларини ёндириб,
масжидларни портлатиб юбораётгани
жуда даҳшатли ҳолатдир. Бундай қўпоров-
чиларни инсонлик қиёфасини йўқотган
ваҳшийлар десак, ҳеч хато бўлмас.**


Ислон ноҳақ қон тўкишни ҳаром қилган ва ҳатто уруш чоғида ҳам болалар, аёллар ва кексаларни ўлдириш, шунингдек, уй-жойлар, иншоотларни вайрон қилиш тақиқланган.

Бир мўминни қасддан ўлдиришнинг гуноҳи нақадар оғир эканлиги таъкидланган.

Мўминни қасддан ўлдиришни ҳунтўлаш билан ҳам ювиб бўлмайди. Бундай жиноятчига олий жазо – жаҳаннамда абадий қолиш, Аллоҳнинг ғазаби ва лаънатига дучор бўлиш тайин қилинган.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Би р мусулмоннинг ўлдирилиши Аллоҳ наздида (бутун) дунёнинг хароб этилишида ҳам оғир роқдир”, деганлар.


Ҳатто бир ривоятда айтилишича, **душман тарафдан бир аёлнинг ўлдирилишидан Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қаттиқ ранжиганлар.** Шунда у зот: “Мен аёлларни ўлдиришдан қайтармаганмидим? Ахир у урушга кирмаган-ку!”, деганлар.



Демак, ИШИД жиноятчилари “Ислон давлати қуриш” ҳақида қанча лоф уришмасин, қилаётган ишлари орқали бу даъвоси нақадар ёлғон экани, тагида ифлос нияти борлиги фош бўлмоқда.

Яратган Парвардигор ғаламисларнинг бу ишларидан хабардордир. Улар ояти каримада: “(Эй Муҳаммад!) **Сиз зинҳор золим кимсаларнинг қилаётган ишларидан Аллоҳни ғофил, деб ҳисобламанг!**” (Иброҳим, 42), деб таъкидланганини унутмасинлар.





Ботил ақидага таянган ҳалок бўлади

ИШИД тўдабошилари ўзларининг пуч ғояларига танқидий муносабатда бўлган ва уларга эргашмаганларни кофирга чиқариши билан – хорижийларнинг ботил ақида-сига суянмоқда. Шунингдек, улар муслмон диёрларида ўрнатилган тартибни куфрга чиқариш билан ҳам хорижийлар ақидасини қайта тикламоқчи бўлишяпти.



Ислом манбаларида муслмонни кофирга чиқариш оғир гуноҳ экани кўп таъкидланган. Қуръони каримда «...Сизларга салом берган (ёки таслим бўлган) кишига бу дунё матоҳини (улжани) кўзлаб: “Мўмин эмассан”, демангиз!..» (Нисо, 94) дейилган.

Бундай қараш яна бир адашган фирқа – азрақия ақидаси билан ҳам ўхшашдир. Улар ҳам ўзлари яшаётган жойдан бошқа ерларни дорул куфр дейишган. Энг даҳшатлиси, улар бошқа муслмонларнинг қони ва молини ўзларига ҳалол санашган. Бугунги ИШИД жиноятчилари ҳам хорижий тоифасидан бўлмиш азрақийлар қилган фасод ишларни такрорламоқда. ИШИД минглаб кишилар ва йирик уламоларни ҳам кофирга чиқариб, уларни нобуд қилди, умрига зомин бўлди.



“Такфир” сўзи арабча бўлиб, “кофирга чиқариш” маъносини англатади. “Куфр” сўзи эса луғатда неъматни инкор қилиш, нонқўрлик қилиш, неъматга ношукрлик қилиш, беркитиш, яшириш маъноларини билдиради. Шу маънога кўра, араблар тунни “кофир” дейишади. Чунки тун қоронғулиги одамларни кўздан пана қилади. Шунингдек, деҳқон ҳам арабларда олдин “кофир” деб аталган, чунки у экин уруғини тупроққа кўмади – ерга яширади. Куфр имоннинг зиддини англатади. Қуръони каримдаги “куфр” ёки “кофир” сўзлари ҳамма оятларда ҳам фақат имоннинг зидди маъносида келган эмас. Оятларда ушбу сўз фосиқлик, имонга мос келмайдиган иш, ношукрлик маъноларида ҳам келган. Лекин илмсиз ИШИДчилар бирор номақбул иш “куфр” ёки “кофирлик” сифатида баҳо берилган оят ёки ҳадисга дуч келсалар, мазкур ишни диндан чиқарувчи куфр маъносида талқин этиб, одамларни кофирга чиқаришмоқда. Бундай қилиш Ислом таълимотига буткул зиддир. Бир инсонни кофир деб аташ, уни кофирга ҳукм қилиш ИШИДчилар ўйлаганидай осон иш эмас. Аксинча, аниғини

билмасдан туриб, бир мусулмонни кофир дейиши, шундай деган одамнинг ўзини жуда катта хатар остига қўяди.

Муҳаммад (алайҳиссалом) бунда й деганлар: “Агар бир киши ўз биродарига: “Эй кофир” деса, иккисидан бири ўшандай (сяъни, кофир) бўлади” (Имом Бухорий). Ибн Нажим айтади: «Агар бу масалада кофир дейиш учун тўқсон тўққизта далил бўлса-ю, кофир демаслик учун биргина далил бўлса, тўқсон тўққизини қўйиб, ўша бир далилни олиш керак». Аммо динда ҳадидан ошиб, ғулуга кетганлар бу масалада: “Мўмин дейиш учун тўқсон тўққизта далил бўлса-ю, кофир дейиш учун биргина далил бўлса, тўқсон тўққизини қўйиб, ўша бир далилни олиш керак”, дейишгача бориб етди. Бу эса барча исломий мазҳаблар ва уламоларнинг тутган йўлига зиддир”.

Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо): “**Аҳли қиблани кофирга чиқариш йўқ**”, деганлар. Муфассир олим Жалолиддин Суютий эса: “**Мусулмонни кофирликда айблаган одам, уни ўлдирган билан баробардир**”, деб таъкидлаганлар.

Имон қалбда бўлади

Залолатга кетган хо-рижийларнинг эътиқодий қарашларида: “катта гуноҳ содир қилган кимса – хоҳ у гуноҳни қасддан, хоҳ билмасдан қилган бўлсин – диндан чиқади ва тавба қилмасдан ўлса, дўзахда абадий қолади”, дейилган.



Шундай ишларидан яна бири тақфир масаласига доир бўлиб, **ИШИДчилар билим-сизлиги ва дин масаласида илм ва ақлни эмас, балки ҳис-туйғуни ҳукмрон тутишлари оқибатида айрим ояти карималар ва ҳадиси шарифларнинг нотўғри таъвил қилган ҳолда, қандайдир хатоларни рўқач қилиб, ҳеч бир шаръий асоссиз, мусулмон одамларни кофирга ҳукм қилмоқдалар.**

Ваҳоланки, уламолар айтишганидек, ҳар бир куфр амалини қилувчи кимса, кофир бўлиб қолавермайди ёки ҳар бир гуноҳ ишни қилган киши фосиқ бўлиб қолавермайди.

Ўзининг ўта мурасасиз ва жангарилиги билан ажралиб турган азрақия оқими аъзолари тарихда не-не мусулмон кишиларни кофирга чиқариб, сўнг ҳар қандай кофирнинг қони ҳалол деган бузуқ тушунча асосида, минглаб айбсиз кишиларни ноҳақ қатл қилгани маълум. **Тарихда, ушбу фирқа ҳатто жаноби Пайғамбар (алай-ҳиссалом)нинг саҳобаларини ҳам куфрда айблаган ва бир қанчаларига суиқасд уюштирган.** Бугунги ИШИД жиноятчилари ҳам гарчи ўзларини азрақийлардан санамаса-да, кўп ишларида уларга мос хатти-ҳаракат қилаётгани ва ботил даъволарни илларни сураётгани аниқ кўриниб турибди.

Зеро, куфр саналувчи ишни унинг моҳиятига етмаган ҳолда, билмасдан қилувчилар бор, билиб туриб, қасддан қилувчилар бор, ҳаром ишнинг ҳаромлигини тан олган ҳолда қалби эзилиб, ночорликдан қилувчилар бор, унинг ҳаромлигини билса ҳам, ҳалол санайдиганлар бор. Албатта, уларнинг орасидаги фарқ жуда каттадир.

Аҳли Сунна вал-Жамоа куфр амалини содир этган мусулмонни, унга қилаётган амали куфр экани ҳақидаги ҳужжатни очиқ-ойдин тушунтирмагунича, кофир демайди. Ҳужжатга қандай амал қилиш (хуқуқи) эса инсоннинг



илм даражасига боғлиқ бўлади. Қилаётган иши куфр амалларидан экани тушунтирилганидан сўнг ҳам, ўша гуноҳ ишни қилувчи буни тан олмасдан, ўз нафси амморасига эргашган ҳолда гуноҳ ишини ҳалол санаса, ояту ҳадисларни инкор қилса, ана шундагина у одам имондан чиқиб, куфр доирасига кириб қолади, Аллоҳ асрасин!

Бордию шундай ҳолат юз берса ҳам, ундай инсонга насиҳат қилинади, ҳикмат ва яхши гаплар билан ҳақ йўлга чақирилади, дарров уни “кофир” деб, атрофга жар солинмайди.

Аммо гуноҳ содир қилувчи киши модомики уни ҳалол санамас экан, асло кофир бўлмайди. Абу Ҳанифа (рахматуллоҳи алайҳ): “Мусулмон кишини, бир гуноҳни қилгани билан, ўша гуноҳни ҳалол санамаса, уни кофирга чиқармаймиз”, деганлар. Имом Қуртубий айтадилар: “Кофирликда айблаш (такфир) – кўпчилик дучор бўлган ва қоқилган хатарли эшик. Бу эшик олдида оқил (инсонлар) тўхтадилар ва нажот топдилар. Нима ҳам

АДАШГАН ФИРҚАЛАР ИЗДОШИ – ИШИД

Имон қалбда бўлади. Бир инсоннинг қалбини билмасдан туриб, қайсидир иши учун дарров кофирга чиқаришдан эҳтиёт бўлиш лозим. Акс ҳолда бу тамға инсоннинг ўзига қайтиб, имондан айириши ҳеч гап эмас. Зеро, юқорида келтирилган ҳадиси шарифларнинг мазмуни кофир бўлмаган одамни кофирга чиқарган кимсанинг ўзи куфрга тушиб қолиши ни-англатади.

Бир ривоятда келтирилишича, Усома ибн Зайд (рози-яллоҳу анҳу) “Лаа илаҳа иллаллоҳ” деган бир одамни ўлдириб қўяди, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ундан: “Лаа илаҳа иллаллоҳ”, деса ҳам ўлдирдингми?” деб сўрайдилар. Усома: “У кўрққанидан, хавфсираб айтди”, дейди. Шунда У зот (алайҳи ссалом): “Сен унинг қалбини ёриб кўрдингми?” деб, қаттиқ танбеҳ берадилар.



Ҳаром пул — дўзахга ўтин.

ИШИД жиноятчилари босқинчилик билан эгаллаган ҳудудлардаги нефтни сотиш эвазига даромад топмоқда. Уларнинг асосий мижозлари ҳам террорчилар, контрабандачидир. Шунингдек, улар аҳоли мол-мулкларини талон-торож қилиш, одамларни қул қилиб сотиш орқали ҳам бойлик орттиришмоқда. Бундан ташқари, дунёнинг турли жойларида ИШИД тарафдорлари бундай қабиҳ ишларни молиялаштириш учун маблағ ажратишмоқда.

Одам савдосидан тўртиб автомашиналарни ўғирлаш, банкларни ўмариш, кишиларни қўрқитиб, пул талаб қилиш кабилар ИШИДнинг қинғир даромадлари манбаларидир. Шундай қилиб, ИШИДчилар кунига 1–5 миллион АҚШ долларигача ҳаром даромад топмоқда. Шунингдек, Мосул шаҳридаги марказий банкка қилинган босқинчилик натижасида 2 миллиард АҚШ доллари ўғирланган. Яна бир неча банкдан 500 миллион АҚШ доллари террорчилар томонидан олиб кетилган. Натижада ИШИДнинг талончилик билан ғайриқонуний шаклланган бюджети 7 миллиард АҚШ долларини ташкил этмоқда.

Аллоҳ таоло: **“Эй имон келтирганлар! Мол-мулкларингизни ўртада ноҳақ (йўллар) билан емангиз!..”** (Нисо, 29). **“Ноҳақ йўл”** ибораси маъноларига талон-тороғ қилиш ва бировнинг ҳақини топташ кабилар ҳам кириди. Ноҳақ йўл билан мол ейиш барча ёмонликларнинг бошидир.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) видолашув ҳажида бошқа кишиларнинг молини зулм билан ейиш ҳаромлигини уқтириб:

“Огоҳ бўлинглар! Албатта, Аллоҳ таоло қонларингиз ва молларингизни (бир-бирингизга) ҳаром қилди”, деганлар.

Булардан маълум бўладики, инсонлар қонини тўкиш қанчалик ёмон бўлса, уларнинг молларини ноҳақ ейиш ҳам шунчалик манфур ишдир.



Бугунги кунда ИШИД одамларнинг ҳақиқага тажовуз қилиш, айниқса, талон-тороғ ишларини авж олдириган. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло банданинг бандадаги ҳақини кечириш-кечирмасликни уларнинг ўзларига ҳавола қилади. Бунинг ҳикматини теран тушунган саҳобалар Набий (алайҳиссалом) изларидан эргашиб, бировнинг ҳақи борасида ўта ҳушёрлик билан ҳаракат қилишгани. Расулulloҳ (алайҳиссалом) бу борда ўзлари ибрат бўлиб, сафдан олдинроққа чиқиб қолган саҳобани бехосдан туртиб юборганлари учун: **“Ҳақингни ол!”**, дея қўлларидаги таёқни унга тутқазганлари ривоят қилинади.



ИВХШШИЙЛИК

Жирканч жиноятлар

**“Ислом дини учун
жанг қияпмиз,
жиҳодчилармиз”,**

дея даъво қилаётган ИШИДчилар ҳар куни минглаб бегуноҳ одамларнинг ёстиғини қуритяпти, ҳаттоки болалар, аёллар ва қарияларни ҳам ҳеч аямай ўлдиряпти. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳисоб-китобларига кўра, 2014 йил бошидан бери ИШИД жангарилари етти юзга яқин боланинг, минглаб асирлар ва кўплаб тинч аҳолининг ҳаётига зомин бўлди.



Маълумотларга кўра, ИШИДчилар эгаллаб олган ҳудудлардаги миллионлаб кишилар ўз яшаш жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлган. **Кўплаб аёллар ва болалар жангариларнинг лагерларида оғир шароитларда ушлаб турилибди.** ИШИД тажовузлари боис Ироқда бир неча ўн минглаб оила қочоққа айланди.

2006 йил турли террорчи гуруҳларнинг бирлашувидан юзага келган ушбу ташкилот илк кўпорувчилик ҳаракатини 2007 йил Бақуба шаҳрида амалга оширган эди. Шундан бери унинг жинояткорлик фаолияти тобора кучайиб, кенгайиб боряпти. **Бирлашма 2009 йилдан буён турли портлашлар, ҳужумлар ва бошқа жиноятларга жавобгарликни ўз бўйнига олмоқда.** Айниқса, охирги бир йил ичида амалга оширилган хунрезликлари киши қалбини ларзага солади.

Куйида ИШИД содир этган жиноятларнинг айримларини санаб ўтамиз:

🚩: **2009** йил 25 октябрь. ИШИДчилар Бағдод шаҳрида машинани портлатди. Натижада 155 киши ҳаётдан кўз юмди, 721 киши яраланди. 8 декабридаги портлашда 127 киши ҳалок бўлди, 448 киши яраланди.

🚩: **2010** йил 25 январда жангариларнинг ҳужумлари оқибатида 41 киши, 4 апрелда 42 киши ҳалок бўлди, 224 киши турли даражадаги тан жароҳати олди.

🚩: **2012** йил 23 июлида Ироқнинг турли ҳудудларида яна кўпуровчилик ҳаракатлари амалга оширилди. Оқибатда 116 киши ҳаётдан кўз юмди, 299 киши оғир яраланди.

🚩: **2013** йилнинг июль ойида Ироқдаги “Абу Ғурайб” қамокхонасига ҳужум уюштирилди, натижада 500 дан ортиқ маҳбус қочиб кетди.

🚩: **2013** йил 11 майда Туркиянинг Райҳонли шаҳрида икки юк машинаси портлатилиши натижасида 52 киши ҳалок бўлди, 146 киши яраланди.

🚩: **2014** йил 16 июнь куни ИШИДчилар Ироқ шимолидаги Тикрит шаҳрининг катта қисмини эгаллади. Шаҳардаги ҳарбий билим юртининг

1700 нафар талабаси ўлдирилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра, Ироқда июнь ойининг ўзида 2417 киши ҳалок бўлди, 2287 киши жароҳатланди. Бундан ташқари, ёз ойларида беш юз киши ўлдирилди, уч юз нафар аёл асирга олинди.

🚩: **2014** йил 28 августда мудҳиш видеолавҳа эълон қилинди. Унда террорчилар асирга туширган 250 нафар суриялик аскар аянчли тарзда отиб ташлангани, жасадлари қуёш тиғида қолдир илгани тасвирланган эди.

🚩: **2014** йил 4 сентябрда Ироқ ҳарбийларидан 700 нафари ўлдирилди.

🚩: **2014** йил 22 сентябрь куни жангарилар кимёвий қурол ишлатиши оқибатида маҳаллий ҳарбийларнинг 300 нафардан ортиғи ҳалок бўлди.

🚩: **2014** йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотига кўра, биргина октябрь ойида террорчилар 1273 кишининг умрига зомин бўлди. Уларнинг 856 нафари оддий фуқаро, 417 нафари ҳарбийлар эди.

🚩: **2014** йил ноябрь ойида эса жангарилар мингдан ортиқ кишини ўлдирди.


Зуллик қилчидагилар

Динимизда но-
махрам аёлларга ҳат-

т-қилмаслик

ШИДчилар эса турли йўллар билан аёлларни ўғирлаб, жинсий қулликка гирифтор қил-япти. Бировнинг хасми бўлган аёл-жувонлар, ҳали турмушга чиқмаган қизларнинг номусига тажовуз қилиш ва жангариларга мажбуран хотин қилиб бериш-уларга одатий ҳол. Бу зўравон-лик қайси диний тамойилга, қайси қонунга тўғри келади?!

Муқаддас ислом динини ниқоб қилиб олган бу ҳайвоний нафс қуллари қиёматда жир-канч қилмишлари учун Аллоҳ таоло ҳузурида жавоб бериш-ларига ишонмайдилар.



Ислом одобларида болаларнинг бошини тепадан пастга қараб силашга буюрилади, чунки аксинча силанганда озгина бўлса-да, болага озор етказилади. Динимиз бошқаларга мана шу даражада кам озор беришдан ҳам қайтаради.

Абу Умома (розияллоху анху)дан ривоят қилинган ҳадисда бундай дейилади: Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам):

“Ким Аллоҳ учун бир етимнинг бошини силаса, силанган ҳар бир соч толасича савоб олади. Кимнинг уйида еtimi бўлиб, унга яхши муносабатда бўлса, жаннатга мен билан мана бундай туради”, деб кўрсаткич ва ўрта бармоқларини (бирлаштириб) кўрсатдилар (Имом Аҳмад).

Бугун ИШИДчиларнинг урушлари сабабли қанчадан-қанча болалар етим қоляпти, қанчаси қурбон бўляпти. Жиноятчиларни бу норасидаларнинг уволи тутмайдими? Уларнинг дарё-дарё қонлари, кўз ёшлари жангариларнинг икки дунёсини куйдириб юбормайдими?!



Жобир (розияллоху анху)дан ривоят қилинади. Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам):

“Зулмдан кўрқинглар. Чунки зулм Қиёмат кунида зулматдир”, дедилар (Имом Муслим).

ИШИДчилар инсонни ҳайвон сингари бўғизлаб, бу ишни тасвирга олиб, сўнг бутун дунёга намоёиш этишни одат қилишди. Бу видеотасвирларни кўрган кишининг ақли озади, инсон боласи бу қадар малъун ишларга қўл уриши мумкинлигини кўриб, ёқа ушлайди.

Жоҳилият даврида жангда ўлдирилганларнинг қулоқ-бурнини кесиб олиш, бош терисини шилиб олиш каби мудҳиш одатлар бўлган. Бу ишни “мусли” деб аташган. Ислом дини бошқа аянчли одатлар қатори мусллага ҳам барҳам берган. Ҳатто Абу Жаҳл сингари дин душманларига ҳам бундай муносабат кўрсатилмаган. Ҳалок бўлган мушриклар ўша атрофда бир жойга кўмилган. ИШИД жиноятчиларининг одамларни ҳақоратлаб ўлдиришлари ваҳшийликдан ва ўтакетган илтиқандикдан бошқа нарса эмас.

Энди бир ўйлаб кўринг, мўмин-муслмонларни қасддан ўлдираётган, молига, жонига ҳеч иккиланмай тажовуз қилаётган золимлар муслмон бўлиши мумкинми?!



АДАШГАН ЙИГИТ ИЗТИРОБИ

Мен сизларга ўз бошимдан кечирган воқеаларни сўзлаб бермоқчиман.

Инсон орзуси ва ҳою ҳаваси ҳеч чегара билмас экан. Ўз уйимда, тинч маҳалламда осойишта, хотиржам ҳаёт кечираётган эдим. Қўлимда гулдай хунарим бор эди – автоуловларни тузатардим. Топиш-тутишим рўзғор тебратишимга етарди. Оилам, шириндан-шаккар икки фарзандим бор эди. Кунларнинг бирида иш ахтариб хорижга кетган танишимни эслаб, менинг ҳам ҳаёлимга бир фикр келиб қолди. Кечалари уйқумни, кундузлари тинчимни йўқотдим. Чет элда ишлаб, осонгина пул топиш ва тезроқ бойиб, машина олиш, данғиллама уй солиш, дабдабали тўйлар қилиб, машҳур бўлиш пайига тушдим. Шу мақсад билан 2013 йил август ойида Россия Федерациясининг Воронеж шаҳрига йўл олдим. Мени бир неча йиллардан буён ўша ёқда яшаб юрган ўртоғим Алоуддин кутиб олди. Шу кунгек ўзи яшаб турган квартирага жой лаштирди. У ерда яна тўрт нафар тожикistonлик йигит ҳам бор экан.

Менинг мақсадим – тезроқ иш топиш, пул жамғариш ва сўнг Ватанга қайтиш эди. Келганимдан бери кўп вақт ўтмаган бўлса-да, Ватаним ва оиламни соғина бошладим. Алоуддин ва унинг ҳамхоналари иш ҳақида ўйламас, қандайдир китобларни ўқиш ва ин-

тернетни ковлаштириш билан банд эди. Бўш вақтларида эса турли режалар тузишар, кимлар биландир телефонда узоқ гаплашишар ва нималарнидир муҳокама қилишар, мен эса бу ҳолатга тушунолмас эдим.


Бир куни тушликдан сўнг зерикиб, токчадаги китоблардан бирини олиб варақладим. Унда ҳарбий жанг сир-синоатлари, қурооллардан фойдаланиш усуллари ва жиҳодга даъват қилувчи гаплар бор эди. Алоуддиндан бу китоб ҳақида ва нима учун бу китобни кўп ўқиётганларини сўрадим. Ўртоғим бу ҳақда ҳеч кимга гапирмаслигимни тайинлагач, ҳар бир мусулмон жиҳод қилиши кераклиги, агар мен ҳам мусулмон бўлсам, уларга қўшилишим зарурлигини уқтирди. Шундан кейин уларга қўшилиб, жиҳод ва жанг қилиш сир-синоатлари ҳақидаги китобларни ўқий бошладим. Бир куни Алоуддин: “Энди биз Сурия ҳудудига ўтиб, “Ироқ ва Шом ислом давлати” ташкилоти сафига қўшилишимиз керак. У ерга Туркия орқали учамиз. Бизни суриялик биродарларимиз кутиб олади”, деб қолди.

Унинг катта, ёқимли ваъдалари таъсирида таклифига рози бўлдим. Биз Туркия орқали Сурияга етиб бордик. У ерда бизни Абу Усома деган соқолли бир одам кутиб олди. Бизни ҳарбий истеҳком томонга бошлар экан,

йўл-йўлакай у ердаги шароитни кўриб, танам музлаб кетди. Ҳар томондан ўқ овозлари эшитилар, теварак-атроф кўрқинчли эди. Ҳарбий истехкомга етиб бордик. Шайх Бурҳониддин исмли кўмондон бизни қарши олиб, бу ерда фақат унинг айтгани бўлиши, шубҳали ҳаракат қилсак ёки қочишга уринсак, сўзсиз отиб ташланишимизни уқтирди. У ердаги ҳолат айтиб бўлмас даражада аянчли ва жирканч эди. Улар учун инсон ҳаёти арзимаган бир сариқ чақадай эди – истаган кишиларини итдек отиб, кўй каби бўғизлашарди. Биз бундай ҳаётга аста-секин ўрганиб, қиладиган ишларимизни тўғри деб билар, Ислом учун хизмат қиляпмиз, деб ўйлардик. Шу тариқа қарийб бир йил мен Сурияда бўлаётган қонли тўқнашувларда қатнашдим. У ердаги кўмондонлардан бири мендан: “Ислом дини учун буюк ишлар қилишга розимисан?” деб сўради. “Албатта”, дедим. У Ватанимга қайтиб, ёшларни жиҳодга тарғиб қилишимни, ИШИД-

га олиб келишимни, агар бу ишни уйддаласам, менга кўмондонлик унвони берилишини айтди. Шундан сўнг яна Россия орқали Ўзбекистонга қайтиб келдим. Кўл телефонимга жиҳод, хижрат, шаҳидлик тўғрисида қилинган маърузалар ва Сурияда юрган вақтимдаги фотосуратлар ҳамда видеоларни ёзиб олган эдим. Аэропорт текширувидан ўтаётганимда бу нарса ҳуқуқни муҳофаза қилувчилар, божхона ходимлари эътиборини тортди ва бунга аниқлик киритиш учун мени сўроққа тутишди. Кей инчалик билсам, бу ишла римжиноят, катта гуноҳ экан. Афсус, қилган хатоларимни англаб етганимда кеч бўлган эди...

Азиз юртдош-тенгдошларим... Эҳтиёт бўлинг, ислом динини ниқоб қилиб олган кимсалар алдовига учиб, адашиб қолманг. Шундай тинч юртимизнинг қадрига етинг. Дунёда ҳеч бир жой одамга ўз уйи – ўлан тўшагидай бахт, хотиржамлик, ҳаловат бахш этолмаслигини асло эсдан чиқарманг.



ШИДНИНГ
ВФЛИЛИГИ
НИМАДА?



Пайт, ползётган пистолет

Хатто Ғарб ва Европа давлатларидаги айрим жоҳил кимсалар ИШИД газандалари сафига қўшилиб жанг қилмоқда, айримлари эса ўз юртларида пайт пойлаб ётибди. Европадаги бир экстремистик гуруҳ етакчиси Анхем Чаудхари Европа мусулмонлари ичидан радикал кимсаларни тўплаб, Ироқ ва Сурияга урушга жўнатиш билан шуғулланмоқда.




ИШИД террорчилари халифалик қуриш ниқоби остида дунё халқлари тинчлигига раҳна солмоқда. Айниқса, Покистон ва Афғонистон мамлакатларида кенг кўламли тарғибот ишлари олиб борилмоқда. 2014 йил охирида Покистон ҳудудида пушту ва дари тилларидаги “Ислом давлати” рамзи туширилган, “Фотиҳ” номли китоб тарқатилган. Унда аҳоли ИШИДчилар гуруҳини қўллаб-қувватлашга чақирилган.

ИШИД ўз чегараларини Марказий Осиё ҳудудигача кенгайтириш режасини эълон қилди. Ушбу террорчи ташкилотнинг хавфини жиддий қабул қилиш лозим. Унинг тарихи қисқа бўлишига қарамай, оз фурсатда “ал-Қоида”дан ҳам даҳшатли ташкилотга айланди. Бу ҳол ИШИДнинг ор қасида учинчи қўл борлигидан далolatдир.

Евроосиё ҳудудида яшовчи айрим нодон шахслар ИШИД сафига қўшилиб, жанг қилишга уринмоқда. Бундайлар сони кўп эмас. Аммо охириги вақтларда оммавий қатл акт этган видеоларда чет тилларда гапираётган жаллодлар тез-тез учрамоқда. Ёшлар, ҳатто кекса ёшдагилар ҳам оилаларини ташлаб, Туркия давлати чегараларини ноқонуний равишда бузиб ўтиб, ИШИД сафига қўшилмоқда. Жумладан, Россия ҳукумати 2014 йил 28 октябрь куни Сурияга “жиход” қилиш ниятида кетётган бир неча шахсларни қўлга олган.





Ҳамтовоқ террорчилар

ИШИДнинг тарғибот механизми бор кучи билан ишломқда. Бунга етарли маблағ ва мутахассислар жалб этилган. Натижада Африка, Яқин Шарқ ва Осиёдаги айрим террорчи ташкилотлар ИШИДни қўллаб-қувватлаш истагини билдирган. Шулар ичида Нигериянинг “Боко ҳарам”, Ливиянинг “Ансор аш-Шариъа”, Индонезия ва Малайзиянинг “Жамаъа исломия”, Марказий Осиёда пайдо бўлган “Туркистон ислом ҳаракати” ташкилотлари мавжуд. Ёвузликларни режа қилган ИШИД Афғонистон ва Покистондаги “Толибон” ҳаракати ҳамда “ал-Қоида” террорчи ташкилоти билан ҳам ҳамкорлик қилмоқда.

Европа мамлакатларига ИШИДнинг суқилиб киришини кутиб ётган яширин гуруҳлар ҳам бор. Бу ҳақдаги маълумотни ИШИДнинг собиқ ходими ошкор қилган. “Ироқ ва Шом ислом давлати”нинг бир гуруҳи Европада ҳам мавжуд, улар ҳар доим буйруқни бажаришга тайёр”, дейди қочоқ жангчи. Бундай гур уҳ битта эмас, Европанинг кўп давлатларида мавжуд. Улар бир-бири билан доимо алоқада иш олиб боради. Европада кимдир ИШИДга қўшилмоқчи бўлса, ўзининг яшаб турган ерида қолишини таъкидлашади. Чунки уларга ўз юртида қолиб, хизмат қилгани катта фойда беради. Уларнинг вазифаси мамлакатда ИШИДга қарши олиб борилаётган фаолиятни издан чиқаришдир. Шунингдек, Европа ва бошқа давлатларга ҳужум бошланса, барчалари ушбу мамлакатларга диққат-эътиборини қаратади.



Бундан ташқари, ИШИД кўп-рувчиликларни амалга оширишга Ироқдаги жангари гуруҳларни ҳам жалб этмоқда. **Яқинда бўлиб ўтган террорчилик ҳаракатларида “Жамоат Ансор ал-Исломия”, “Жайш ал-Муҳожирин вал-Ансор” каби гуруҳлар ИШИДга “кўмак” берган.**

ИШИД ўз таркибига бутун дунёдан юқори малакали мутахассисларни жалб этмоқда. Масалан, молия ишларини асли австралиялик бўлган шахс бошқармоқда. Кузатувчиларнинг таъкидлашига кўра, ҳар ойда ИШИД таркибига кўплаб жоҳил кимсалар келиб қўшилмоқда. Бугунги кунда жангарилар 80 та мамлакатдан келган. Улар таркибида Франция, АҚШ, Канада, Марокаш, Германия ва Россия Федерацияси фуқаролари ҳам бор. Ҳатто ИШИД таркибида “ал-Хансаа” ва “Ум ал-Райён” номли жангари аёллар тўдалари ҳам пайдо бўлди.

Маълумотларга кўра, мазкур террорчиларнинг сони юз мингга яқинлашмоқда. Буларнинг ичида бевосита урушларда иштирок этганларнинг адади 20 минг атрофида. ИШИД жангариларида раҳм-шафқат йўқ, одамларни ваҳшийларча қатл қилаётганларини кўриб, кишида уларнинг мусулмон эканига шубҳа пайдо бўлади.



Бунёдкорлик ва шафқатдан нишона ҳам йўқ

ИШИД ташкилоти “Ислом” номини ниқоб қилса-да, унинг ишлари диннинг эзгу ва инсонпарвар таълимотига бутунлай зид. Масалан, Ироқнинг Халаб шаҳрига ҳамла қилган жангарилар томонидан ҳатто масжидлар ҳам ер билан яқсон қилинди. Имомлар эса ўлдирилди. Бир масжид имомига жангарилар томонидан жума хутбасида одамларни жиҳодга даъват этиш топширилганда, у рад жавобини бергани учун қатл қилинди.

ИШИД босиб олинган Худудларда мавжуд давлат тузумининг ўрнига ўзининг сохта, бузғунчиликка асосланган бошқарувини жорий қилмоқда. Манфаати тегадиган баъзи одамларни пора бериш йўли орқали ўзига оғдириб олган. Ҳатто улар худудида янги пул бирлигини ҳам жорий қилишни режалаштирмоқда. Бир сўз билан айтганда, ИШИД ўзининг ваҳший фаолиятини қонунийлаштириш пайида бўлмоқда. Бироқ тинч ҳаётдан асар ҳам йўқ. Мактаб, институт, касалхона, завод-фабрикалар ва турар-жой вайроналарини қайта тиклаш каби ишлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.



“Ким биз
билан эмас
– у бизга
қарши”,


Ироқ олимлар остида
қилаётган ИШИД жангарилари ҳар қандай тўсиқни ёвузлик билан йўқ қилишни кўзда тутишган. Улар олимлар насиҳати ва раддиясига умуман қулоқ солишни истамайди. Қаршилик қилган ҳар қандай одам кофир, уларнинг фикрича, кофирнинг қони ва моли ҳалол.



ИШИДчилар томонидан тинч аҳолини асирга олиш, қийноқларга солиш, ўлим жазосини жорий этиш ҳолатлари кўпаймоқда. Ҳатто нотўғри эътиқод учун ҳам қатл этиш ҳукми эълон қилинган. Ҳаттоки Ироқ ва Сурияда асирлар бозорлари ташкил этилган. Уларда асирга олинган аёллар жангариларга жория ва хизматкор сифатида сотилмоқда. Бундан ташқари, террорчилар кўп оилаларга босим ўтказиб, аёл-қизларини жангариларга хотинликка беришга, “тирик бомба” – худкуш сифатида фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

ИШИД асирлар устидан бажарилиши имконсиз бўлган, оғир талабларни қўймоқда. Масалан, ҳар бир асир эвазига ИШИД аъзосининг 50–60 жангариси қамолдан озод этилишини талаб қилмоқда. Бу талаб бажарилмаса, асирлар аёвсиз ўлим жазосига ҳукм этилмоқда.

БМТ бош котиби ИШИД сафида жанг қилаётган болалар дастлаб ҳарбий машқларни ўтаб, сўнг ўзини портлатадиган худкуш-камикадзе сифатида тайёрланаётганини ачиниш билан қайд этди. Масалан, ИШИД эндигина 8 ёшга тўлган болаларни ҳам жангарилар сафига қўшмоқда.





Шундай воқеалар ҳам бўлганки, жангарилар томонидан ўғирлаб кетилган бир қиз бир вақтнинг ўзида иккита жангчига никоҳлаб берилган. БМТ ҳисоботида: “Бозорларда мижозлар асир аёл-қизларнинг орасидан хоҳлаганини танлаб, ўша жойнинг ўзида савдолашиб, олиб кетишлари учун нарх-наволари ёзиб қўйилган”, дейилади. ИШИД жангчилари томонидан биринчи марта 500 дан ортиқ хотин-қиз сотилган экан.

ИШИД жангарилари учун бундай шафқатсизликлар оддий ҳол. Ҳатто ёш болаларни махсус марказларда ваҳшийликка ўргатишади. Бир қочоқнинг айтишича: “Суриянинг Раққа шаҳрида 6 та махсус лагер бор, улар орасида “Зарқовий арслон болалари лагери” ҳам мавжуд. Ҳар ҳафтада ушбу лагердан 25–30 бола тўлиқ ҳарбий тайёргарликдан ўтиб, жаллод бўлиб етишади. ИШИДчилар машғулот пайтида асирлардан тажриба мақсадида фойдаланишади. Болалар асирларга қарата ўқ узади ёки бўйнига пичоқ тортиб, қўй каби бўғизлайди”.

Бир қочоқ жангарининг айтишича, у бир аёлнинг хиёнат тухмати билан ўлдирилганига гувоҳ бўлгач, ортиқ бу гуруҳда қолмаслигини тушунган: “Бир аёлни ИШИДчилар хиёнат ва зинода айблади, дейди қочоқ жангчи. – Бунга жазо бериш учун шариатга мувофиқ тўртта гувоҳ керак эди, лекин улар гувоҳ қидириб ҳам ўтиришмади. Аёлга гиёҳванд модда бериб, кўчага олиб чиқиб, тошбўрон қилишди”.


“ИШИД жанг қилиш учун четдан келганларнинг паспортларини олиб қўяди, улар қочиб кетишининг олдини олиш учун шундай қилинади. Улар агар қочса, ОАВда шахслари ҳақида маълумот берилиб, ИШИДга хизмат қилганлари ошкор қилиниши билан қўрқитадилар”, – дейди собиқ ИШИД жангчиси.



ОЧИҚ ХАТНИ ЎҚИБ...

Ўзини-ўзи “Ислом давлати” дея атаётган террорчи ташкилот қонхўрларига дунёнинг турли минтақаларидан 126 нафар йирик ислом уламеси, хусусан, нуфузли Миср муфтийси Шайх Шавқи Аллам ҳамда Қуддуси Шариф ва бутун Фаластин диёрлари бош муфтийси Шайх Муҳаммад Аҳмад Хусайн ҳазратлари Очиқ хат йўллашди. Мактубда уламолар ИШИД гуруҳининг ҳар бир ҳаракати динимизга зид, буткул хато эканини оят ва ҳадислар асосида исботлаб беришди.





2014 йил 3 июлда “Дунё мусулмон уламулари кенгаши” олимлари ИШИД эълон қилган “халифалик”ни кескин қоралаб, ушбу гуруҳни бир овоздан “шаръан ботил фирқа” деб фатво берган эди. Мазкур фатвода, қандайдир фирқа ва оқимлар “халифалик”ни даъво қилиб, ўзларидан бошқа эътироф этмайдиган ва танимайдиган тўдабошини “халифа” деб эълон қилиши Ислом таълимотига кўра, мутлақо мумкин эмаслиги, халифалик эса Пайғамбар (алайҳиссалом)нинг васиятларига кўра, вафот этганларидан сўнг ўттиз йил давом этиб, ундан кейин подшоҳликлар ва амирликлар бўлиши таъкидланган.



ИНТЕРНЕТГА ИН ҚУРГАН «ЎРГИМЧАКЛАР» | 9



Ҳозирги пайтда бу террорчи тўдалар глобал тармоқдан ҳам ўз мақсадлари йўлида усталик билан фойдаланишмоқда. Ўзлари тайёрлаган видеоларни мунтазам равишда интернетга жойлаб боришмоқда. Уларнинг бу каби қабих ишларини қоралаб, Очиқ хатда: “Интернетда бир видеолар тарқатилди. Унда ИШИДнинг Шокир Муайт деган вакили тинч аҳолидан икки нафар қуролсиз кишини тўхтатди. Улар мусулмон эканини айтишди. Сўнг у баъзи намозларнинг неча ракат эканини сўради. Бояги кишилар жавобда хато қилишди, деб, уларни ваҳшийларча ўлдирди. Нақадар аянчли ҳолат! Бу мутлақо ҳаром ишдир, жиноятдир”, дейилади.

Ғаламисларнинг бу ёвузликлари барча мусулмонларнинг юрагини ларзага солди. Даъвоси бошқа-ю, нияти қабих бўлган қора байроқчилар наздида инсон умри, унинг қадри қанчалар аҳамиятсиз экан!



Бўлиб ўтган бу мудҳиш воқеани сўзлаб бериш менга осон эмас. Ожизлигимни, ношудлигимни, лоқайдлигимни тан олиш эсандан-да қийин. Доим кўнглига қараб ўстирган кенжатоё – эркатой ўғлим юзимни ерга қаратади, деб сира ўйламаган эдим...

Олий ўқув юртини тамомлаган кенжа фарзандим таҳсилни Швецияда давом эттираман, деганида олдинга кўнмадим. Дипломи кўлида, шу ерда ҳам бинойидек иш топса бўлади. Бунинг устига яқинда уйланган, келин оғироёқ. Жуда бошим қотди. Ўғлим икки оёғини бир этикка тикиб олди, олти ойда кайтаман деган ваъда билан Стокгольмга учиб кетди. Олдинга тез-тез кўнғироқлашдик, келин билан ҳам интернет орқали гаплашиб турди. Аммо икки ўч ой ўтди, ўғлим бирдан жим бўлиб кетди. Кўнғироқ қилдим, хат ёздим. Дарак йўқ. Бу орада неварали бўлдик. Бироқ ўғлимиздан ҳамон хабар топмадик. Бир куни Швециядан бир йигит келди. У ўғлимдан хабар келтирди. Йигитнинг айтишича, ўғлим уша

курашаётгани, яна янги жангчиларни, жумладан, акаларини шу ҳаракатга тортиш учун келганини айтди. Тўғри йўлда эканини, қилаётган иш и эвазига бу дунёда амал ва бойликка, охиратда шахидлик мақомига эришишини уқтирмақчи бўлди.

Уша кўнги можароларни эсласам, ҳалиям юрагим орқага тортиб кетади. Яхши-ёмон гаплар, дўқ-пўписаю аёлларнинг йиғи-сиғиси... Ҳеч нима қор қилмаганидан кейин тўнғич ўғлим маҳалламиздаги жоме масжид имомхатибини бошлаб келди. Барака топсин, домла динимизнинг асл моҳияти, эркак кишининг боила, Ватан олдидаги бурчи тўғрисида ва жангарилик, зуравонликнинг катта гуноҳ экани ҳақида ваъзлик билан таъсирчан қилиб гапирди. Ҳадислардан мисоллар келтириб, бундай деди: "Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам)нинг ҳузурларига бир киши келиб, жиҳодга чиқишга изн сўрайди. У зот: "Ота-онанг ҳаётми?" дейдилар. Йигит: "Ҳа", дейди. Шунда

НОШУД ОТА НОЛАСИ

ерда бир шубҳали гуруҳга қўшилиб қолибди, ўқишни ташлаб, Сурияга кетибди. Энди у ақидапарастлар оқимига қўшилиб, жангларда қатнашаётган экан.

Мен боламни едириб-ичириш, бошқалардан кам қилмасликка зўр берибман-у, бироқ оила давраида маънавий тарбия ҳақида бир маротаба ҳам гапирмаган эканман. Фарзандимга оила, она-Ватан туйғусини сингдира олмаганимдан пушаймон бўлдим, ич-этимни едим. Айниқса, келинимнинг жавдираб турган кўзига қаролмайман. Норасида гўдак-ку, отам деб амакиларига талпинганида кўнглим вайрон бўлиб кетади. Ҳаммадан ҳам аёлимга қийин бўлди. Онаизор ўғлининг дийдорини бир кўришга зор бўлиб, охири ётиб қолди. Буларни кўриб эса ичдан зил кетаман, юрагим зардобга тўлади...

Кўнларнинг бирида тўсатдан кенжамиз кириб келди. Уришиб-сўқишни ҳам, бағримга босишни ҳам билмайман. Аммо у вақт тигизлиги, хорижда яхши бир иш бошлаб қўйиб, акаларини ҳам ўзи билан олиб кетиш учун келганини айтди. "Яхши иш"нинг нима ўзи, шунча йилдан бери нималар қилиб юрибсан, десак, индамайди. Ахийри, акалари сиқувга олганидан кейин, ёрилди. Сурияда жангари гуруҳга қўшилиб, қандайдир давлат барпо этиш йўлида

У зот: "Икковларининг розилигини топишга жидду-ҳаёт қил!" (Мутта фақун аш-шайх), деган эканлар. Мен менинг ўғлим ҳам ҳадисларни, уламола ва шайх китобларини ўқиганида, бугун ўзи "жиҳодчи" деб атаётган елғончи террорчиларнинг алдовларига учмаган бўлар эди...

Имом оила одам бегона ўлкаларда қурол кўтариб эмас, ўз юртининг гуллаб-яшнаши, бунданки учун меҳнат қилибгина барака топиши савоб олишини таъкидлади. Сўнг Қуръон тилловат қилиб, ўғлим, оиламиз ҳаққига узоқ вақт қилди. Шундагина ўғлимнинг шишадек жонсиз кўзларида нимадир ўзгарди. Ҳамма тарқалганидан кейин ўғлим гўдагини бағрига босиб, йиғлади. Унга қўшилиб, мен ҳам йиғладим...

Кўпинча балою кўргиликларга ўзимиз сабабчи бўламиз. Эътиборсизлик қиламиз, лоқайдликка бериламиз. Бир куни оғир савдо бошимизга тушганда эса қаерга югуришни, нима чора топишни билмай қоламиз.

Одамлар! Огоҳ бўлинг! Бир куни мен сингарил чорасизлик гирдобига тушиб қолмаслик учун вақтида ҳаракат қилинг. Фарзандингизга тўғри тарбия беринг, инсоф-диёнатни, ҳалоллик-покликни, яхшилик-тўғрилиқни ўргатинг.



Улар ғаним эмас, аҳил-иноқ эди

Бу иблисларнинг қонсираган қиличидан қанчадан-қанча одамларнинг қони тўкилмади дейсиз?! Бу иблислар мусулмону ғайридинни бирдек қирмоқда.



бобопари Умар ибн Хаттоб, Холид ибн Валид (розияллоҳу анҳум)лардан, умавийлар, аб-босийлар, усмонийлар даврларида аҳдно-малар олиб, ўша аҳдномалар асосида яшаб келар эдилар. Мавзуни мухтасар қиладиган бўлсак, улар Исломдан аввал ҳам шу ерда яшаб келган туб аҳоли эдилар. Улар душман эмасдилар, балки 1400 йилдан буён аҳил-иноқ, тинч-тотув ҳаёт кечириб келаётган ва ўз юртларини ҳимоя қилиб, салибчиларга, мустамлакачиларга ва бошқа босқинчиларга қарши курашган эдилар. Сиз уларни қандай қилиб душман деб атайсиз?”

Хусусан, аҳли китобларга яхши муносабатда бўлиш лозимлиги ва уларни қатл қилиш Исломда мутлақо мумкин эмаслиги Очиқ хатда баён қилинади: “Араб насоролари масаласига келсак, сиз уларга уч нарса – жизя бериш, қилич ёки мусулмон бўлишдан бирини танлаш ихтиёрини беришингизни айтдингиз. Уларнинг уйларини қонга ботирдингиз, церковларини бузиб ташладингиз, баъзи ҳолатларда уйларини, мол-мулкларини таладингиз, баъзиларини қатл қилдингиз, баъзиларини ватангадо қилдингиз, кўпчилиги биргина эгнидаги кийими билан қочишга мажбур бўлди. Бу насоролар Исломга қарши уруш қилаётган жангчилар эмасди.

Улар ҳеч бир одамга тажовуз қилмаган эди, ерлик аҳоли билан аҳил, биродар, қўшни, ватандош эдилар. Мазкур кишиларнинг

Зеро, Аллоҳ таоло: **«Дин тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз юртингиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолатли кишиларни севар.»** (Мумтаҳана, 8), дея огоҳлантиради.




Исломдан олдинги давр, яъни жоҳилият асрида аёлларнинг ҳуқуқлари бутунлай поймол қилинган эди. Ислом дини келгач, жаҳолат ўрнини маърифат эгаллади. Динимиз аёл-қизлар шаънини ҳимоя қилди, уч қиз тарбиялаб, уларни турмушга берган она жаннатий бўлиши, жаннат оналар оёғи остида эканини баралла айтди. Хотин-қизлар маърифатли бўла бошладилар. Улар ҳам илм олиш, меҳнат қилиш ҳамда жамиятдаги ижтимоий муносабатларда иштирок этадиган бўлишди.

Афсуски, пойида жаннат бўлган оналар, аёлларга динимиз томонидан рухсат берилган ишларни ИШИД вакиллари тақиқлаб қўймоқда.

Очиқ хатда:

«...Сизлар аёлларни қамоқхоналардаги каби тутқин шароитга солиб қўйдингиз. Уларни ўз қарашингизга кўра, кийинишга мажбурладингиз, кўчага чиқишларини ва таълим олишларини ман қилдингиз. Ҳолбуки, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон эркак ва мусулмон аёлга фарзидир” деганлар. Қуръони каримда биринчи нозил бўлган ваҳий ҳам “Ўқи!” амридир.



Жоҳилият даврига қайтганлар



Шунингдек, аёлларнинг ишлашларига, касб қилишларига, ҳуқуқлардан фойдаланишларига рухсат бермадингиз, уларни ўз жангчиларингизга эрга тегишга мажбурладингиз. Буларни қандай қилиб тўғри иш деб бўлади?» дея алоҳида такидланади.

Ҳолбуки, Аллоҳ таоло: “Эй одамлар! Сизларни бир жон (Одам)дан яратган ва ундан жуфти (Ҳавво)ни яратган ҳамда иккисидан кўп эркак ва аёлларни яратган Раббингиздан кўрқингиз! Шунингдек, ўрталарингиздаги ўзаро муомалада номи келтирилувчи Аллоҳдан ва қариндошлар (алоқасини узиш)дан кўрқингиз! Албатта, Аллоҳ сизларни кузатиб турувчидир” (Нисо, 1), деб огоҳлантирган.



Нодия ҳеч нарсани унутмайди



ИШИД жангарилари Ироқ ва Сурия чегарасидаги катта ҳудудларни босиб олгач, бир қишлоқда яшовчи 20 ёшли Нодияни олиб қочиб кетишди. Уни қароргоҳларига олиб бориб, тўққиз кун давомида қуюшқонга сиғмас қийноқлар билан ҳўрлашди. Ниҳоят, тўққизинчи кун кутилмаганда Нодия қочиш имкониятига эга бўлди...

Тутқунликдан қочиш

Биринчи кунгек Нодия ва бошқа асирликда сақланаётган қизларни пул ундириш ёки фоҳиша сифатида сотишни ният қилишгани маълум бўлди. Жангарилар аёлларнинг оёқ кийимларини тортиб олди. Энди қочиш ҳақида ўйлаш бефойда эди. Чунки улар сақланаётган ҳудуднинг теварак-атрофи оёққа жиддий жароҳат етказадиган чақиртошли ерлар эди. Асирлар ушлаб турилган қароргоҳда жуда кўп хоналар бўлиб, нимагадир уларни тез-тез у хонадан-бу хонага ўтказишарди. Тартиб-интизом ва қоида деган нарсалар бу ерга умуман бегона, ҳаммаси қўриқчиларнинг кайфиятига боғлиқ эди.

Нодия ўзи ўтирган хонадаги жавонни титкилаб, латта-путталар орасидан пушти рангли туфли топиб олди. Бироқ у Нодияга бир-икки ўлчам кичик экан...

Шу пайтгача уни қўриқлаётган, зўрлаб, қийноққа солаётган эркаклар олтига эди. Тўққизинчи кун улардан тўрттаси уйда йўқлигини билиб қолган Нодия балки қаерда-

дир ухлаб ётишгандир деган хаёлга борди. Ошхонада иккитагина жангари ўтир арди. Улар нима биландир банд, афтидан, баҳслашишаётган эди.

Нодия хонада ёлғиз эди. Бошқа қизлар қаердалигини эса билмасди. Эшик қулфини очишга уринар экан, унинг носозлигини ва осонгина очиш мумкинлигини англади. У яшириб қўйган туфлисини олиб, амаллаб кийди. Хонадан аста ўрмалаб, айвонга чиқадиган эшикни очди. Шарпасини ҳам се здирмай уйдан чиқиб, кўзига баҳайбаг кўринган боғ ичига ўзини урди. Дов-дарахтларнинг қуриган япроқлари шамолда тинмай шитирлар, бу эса унинг юрагига ваҳима соларди. Бунданам ёмони, атрофда қўриқчи итлар бор. Бирортаси сезиб, ҳуриб қолса-чи? .. Бахтига ҳаммаёқ жимжит...

Унинг йўлини тош девор тўсиб чиқди. У жуда баланд эди, ошиб ўтиш амримаҳоллиги кўриниб турарди. “Шу девордан ошиб ўтишим шарт, – деди у ўзига-ўзи. – Имкон қадар тезроқ”. Шу пайт тош деворда оёқ қўядиган

жс
чи
бе
эк
ту
ку
бу

кў
ту
“К

ог
ча
уш
ши
ла
эса

ба
ка
ту
ту
ди
қа
ис

ва
дуд
БМ
ми
яқи

ерд
ола
анч
уй
наб
уйд
лар
йук

аъл
ни
кир
кур

бир



“Жаннат райҳонлари”ни пайҳон қилганлар

Кўз қорачиғи, қалб қувончи, жаннат райҳони, дея ардоқланадиган беғубор болажонларни ИШИД қузғунлари “Жаннат қушчалари” дея атаб, ўз манфур мақсадларини амалга ошириш учун уларнинг белларига портловчи моддаларни боғлаб, алдаб, одамлар гавжум жойларга юбориб, қўпоровчилик воситаси сифатида портлатиб юборишмоқда.





Буни қандай тушуниш мумкин, одам деган шунчалар ҳам ёвуз бўладими?! Биз уларни иблислар деганимиз бежиз эмас. Зеро, қилаётган ишларидан кўриниб турибдики, улар ҳақиқатан ҳам иблислар, қонхўр, шафқатсиз, одам қиёфасидаги шайтонлардир!



“Сизлар болаларни урушда, одам ўлдиришда қатнашишга мажбурлардингиз, уларни шунга ўргатдингиз. Хукмингиз остида қурол кўтариб юрган, кесилган бошларни ўйнаб юрган, жангда қатнашиб, одам ўлдираётган, ўзи ҳам ўлаётган, мадрасаларингизда азобланаётган, муайян ишларни қилишга мажбурланаётган болаларни кўряпмиз. Баъзиларини ўлдириб ҳам юбордингиз. Бу борада қуйидаги гапларни айтиш кифоя: бу ишларнинг барчаси бегуноҳ одамларга нисбатан содир этилган.

Маас

Жу

Сўямоқда.

**ИШИД жино-
ятчилари томонида
туриб жанг қилаётган
австралиялик Холид Шарруф
қўлида кесиб олинган одам кал-
ласини ушлаб турган ўғлининг
суратини оммавий ахборот восита-**

баъзи шахслар ва оилалар
қўрқинч билан, жисмоний
кароҳатлар, турли азоблар
билан, ҳатто қатл, уруш би-
лан таҳдид қилганингиз
қақида шикоят қилишяпти.
Жумладан, одамларни ти-
риклай кўмиб юборгансиз,
бошларини пичоқ билан
кесгансиз. Булар азобнинг
энг ашаддий турлари бў-
либ, уларга шариятда рух-
сат берилмаган... Кўпчи-
ликни бирданига ўлдириш
қам, аввал айтиб ўтилгани-
дек, ҳаром қилинган ишлар-
дандир. Жангчиларингиз
ўзлари ўлдирмоқчи бўлиб
турган одамларни масхара
қилишади, уриб-сўкишади,
«Ҳозир сизларни қўйдек

«Сизлар Суриянинг шимоли-шарқда
жойлашган 17-дивизия қароргоҳида сурия-
лик асирларни тиканли симлар билан боғла-
дингиз, кал лаларини пичоқ билан кесиб,
буни видеотасвирга олиб, интернетга қўй-
дингиз ва “Ислом давлати”нинг аскарлари
бўлмиш биродарларингизга “Аллоҳ таоло
Ўзининг фазли билан нусрат берди ва 17-ди-
визияни фатҳ қилишга Аллоҳнинг ёрдами
ва неъматини билан эришдик. Берган қуввати,
нусрати учун Аллоҳга шукр қиламиз”, деб
жирканч жинойатларингизни Аллоҳга нисбат
бердингиз, “Бу ишни биз эмас, Аллоҳ қилди”,
деб айтдингиз, буни Аллоҳга нисбатан та-
возе деб билдингиз”, дейилади Очиқ хатда.

Уламолар Очиқ хатда ваҳшийларга
радия қилиб ҳужжат-далил келтири шади:
Аллоҳ таоло огоҳлантирган: **«(Мушриклар)
бирор фаҳш иш қилсалар: “Ота-бобо лари-
мизни шу (одат) узра топганмиз, уни бизга
Аллоҳ (Ўзи) буюрган”, – дейдилар. (Сиз улар-
га): “Аллоҳ асло фаҳш ишларга буюрмайди.
Аллоҳ шаънига ўзингиз билмаган (гап)ларни
айтаверасизми?!” – деб айтинг!»** (Аъроф, 28).
Ояти карима мазмунидан ИШИД жиноятчи-
ларининг ишлари нақадар залолат экани
очиқ кўриниб турибди.




Шайтонлар пойида хор бўлган азиз бошлар



“Сизлар одамларнинг калласини кесиб, уни бирор нарсанинг устига ўрнатиб ёки осиб қўясиз, тўпга ўхшатиб отиб ўйнайсиз. Яна бу жиноятларингизни бутун оламга кўз-кўз қиласиз. Ҳолбуки, бутун олам ҳозирги кунда бахтиёр ҳаёт кечирмоқда, одамнинг калласини эмас, чарм тўпни ўйнамоқда. Тўп ўйини шарият рухсат берган ўйинлардан ҳисобланади”, деб келтирилади Очиқ хатда.

Шунингдек, хатда: “Сизлар босиб олган ҳудудларингизда ўзингизча қозилик қилиб, ўлдирилган одамларнинг жуссаларини, кесилган бошларини ҳўрлайсиз – ўйинчоқ қиласиз” қўйилади.





**КИМ ҚУРЪОННИ
ЎЗИЧА ТАФСИР
ҚИЛСА,**

**ДЎЗАХДАН
ЎЗИГА ЖОЙ
ТАЙЁРЛАСИН”**

Қалтис қилмиш — жирканч натижа

ИШИД жиноятчилари ўз жирканч ғояларини амалга ошириш йўлида ояту ҳадисларни истаганларича талқин қилишяпти. Оқибатда бу қалтис иш жоҳил кимсаларнинг залолатга ботишига ва бегуноҳ инсонларнинг зўравонлик қурбони бўлишига олиб келмоқда.

Бундан ташқари, оммавий ахборот воситаларида “Ироқ ва Шом ислом давлати ҳужуми”, “Ислом давлати жанглари”, “исломчилар”, “исломчи-жангарилар” каби ибораларни жуда кўп такрорланяпти. Демак, ғаламислар муборак ислом динини ёмонотлиқ бўлишига сабабчи бўлмоқда.



Шу боис жуда кўп сиёсий ва диний арбоблар террорчи ташкилотлар номига “Ислом” сўзини кўшиб ёзишни қоралаб чиқишди. Асл мақсад- моҳирлиги ислом динига қарши курашиш бўлган бу каби ташкилотларнинг ҳаракати боис “жиҳод”, “ҳижрат”, “халифа” каби тушунчалар бутунлай тескари маънода қўлланилмоқда. Бу сўзларни эшитган бошқа дин вакилларида Исломга, мусулмонларга салбий муносабат пайдо бўлмоқда. Ҳатто мусулмонлар ор асида ҳам тушунмовчиликлар юзага келяпти. **Уламолар юқорида саналган тушунчалар кўпоровчи ташкилотлар талқин этаётган маъноларидан тамоман узоқ эканини қайта-қайта таъкидлашмоқда.**

Бу ғаламислар **Муҳаммад (алайҳиссалом)**нинг “Албатта, мен нга ёлғон тўқиш бошқа бировга ёлғон тўқишдек эмас. Ким менинг номимдан қасддан ёлғон тўқиса, дўзахдан жойини тайёрлаб қўйсин” (**Имом Бухорий**), деган қатъий хитобларидан қўрқмайди.

Шунинг учун ҳам ИШИДчилар “Мен Қиёмат олдидан қилич билан юборилдим” мазмунидаги санади саҳиҳ бўлмаган ҳадисни ҳужжат қилиб, Расулulloҳга тухмат қилишяпти.

Зеро, Аллоҳ таоло:

“(Эй, Муҳаммад!) **Биз Сизни (бутун) оламларга айни раҳмат қилиб юборганмиз**” (*Анбиё, 107*),
деб таъкидлаган.



Саёз илм ва енгил қараш – залолат эшиги

ИШИДчилар Исломни ва Қуръонни англашда саёз илм, енгил муносабат билан ҳамда ўз қабиҳ манфатлари нуқтаи назаридан ёндашгани сабабли жуда аянчли оқибатлар юз бермоқда. Ана шундай саёзликларидан бири фикҳий масалаларни бузиб талқин қилишларидир. Улар учун ҳукмларнинг барчаси бир даражада. Улар назарида дунёнинг турган-битгани қорадан ҳам қорадир, фақатгина улар оқ!

Бузғунчилар худкушликни асослаш учун Қуръони карим оятларини ўзларининг йўлига мослаб, бузиб талқин этганини кўриш мумкин. Жумладан, улар Тавба сўраси 36-оятининг бир қисмини: **“...барча мушрикларга қарши жанг қилингиз”**, тарзида таржима қилиб, далил сифатида келтиришади. Ваҳоланки, ушбу оятни тўлиқ ҳолида таржима қилинса, умуман бошқа маъно чиқади. **“Албатта, Аллоҳнинг наздида ойларнинг адади – Аллоҳнинг осмонлар ва Ерни яратган кунидagi битигига мувофиқ – ўн икки ойдир. Улардан тўрттаси (уруш) тақиқланган ойлardир. Ана шу тўғри диндир. Бас, ўша (ой)ларда (жанг қилиб) ўзингизга зулм қилмангиз! Мушриклар (мазкур тўрт ой асносида) сизларга ёппасига уруш очсалар, (сизлар ҳам) уларга ёппасига уруш очингиз! Яна, билиб қўйингизки, Аллоҳ тақволилар билан биргадир!»**.

Мазкур оятнинг тафсирида бундай дейилади: “Ушбу оят шунга далолат, Исломда мушриклар билан жанг қилишга, фақат зарурат тақозоси билан рухсат этилади ва шунда ҳам мусулмонлар тақвони қўлдан бермаслик ва тажовузкорликка ўтмасликка буюрилади”.

Бунда, биринчидан, ушбу оятнинг охирида келтирилган маъно мушрикларга қарши қаратилган. Лекин террорчи гуруҳлар буни мусулмонларни кофирликда айблаб, уларга қарши далил сифатида келтирмоқда; иккинчидан, оятда **“Мушриклар (мазкур тўрт ой асносида) сизларга ёппасига уруш очсалар...”** маъносида шарт қўйилмоқда. Агар улар уруш очишмаса, урушишга ҳожат йўқ! (*Шайх Абдулазиз Мансур, “Қуръони карим оятлари мазмуни таржимаси ва тафсири”*)

Тубанлик гирдоби

Қуръон оятлари ва ҳадисларни хатарли, ғаразли мақсадларда бузиб талқин қилиш Исломга бутунлай зид.

Бу каби хатти-ҳаракатлар Қуръони каримнинг қатор оятлари ҳамда Пайғамбар (алайҳиссалом) кўрсатмаларида қораланган. Жумладан, **“...Одамларни адаштириш учун илмсизлик билан Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиган кимсадан кўра ким ҳам золимоқдир?!” Албатта, Аллоҳ золимлар қавмини ҳидоят этмагай” (Анъом, 144).** Бошқа бир оятда эса, **“Одамлар орасида Аллоҳ ҳақида мунозара қилади-ю, лекин ўзи илмсиз, ҳидоят топмаган, бирор нурафшон Китоби йўқ, (тўғри йулдан) бўйин товлаб, (ўзгаларни ҳам) Аллоҳ йўлидан оздириш мақсадида юрадиган (кимса) ҳам бордир. Унинг учун бу дунёда расволик бўлур, қиёмат кунида эса, унга ўт (дўзах) азобини тотдирурмиз» (Ҳаж, 8-9).**

Ҳазрат Абу Бакр (розияллоху анху): “Аллоҳнинг Китоби ҳақида илмсиз ўз раъйим билан гапирсам, менга қайси само соябон бўлади ва қайси Ер кўтаради”, деб Қуръони карим оятларини ўз билганича хато талқин қилишнинг нақадар оғир гуноҳ экани хусусида огоҳлантирганлар.

ИШИД каби бузғунчи, ваҳший фирқалар асос сифатида оладиган жиҳодчи салафий-

чилик Аҳмад Абду Таймия ва “Мусулмонларнинг жиҳоди” асосчиси Саййид Умар Абду-Азизнинг китобларида “жиҳод” тушуниши динсизларга, ҳатто уларнинг талқинига қушилмаган мусулмонларга қарши кураш маъносида ҳам қўллашган.

Мана шундай бузғунчи ақидаларга таянган ИШИД ҳозирги кунда ислом динига зид бўлган жуда кўп жиноятларни амалга оширмоқда. “Жиҳод” тушунчасининг бузиб талқин этилиши ИШИДнинг террорчилик ҳаракатларига ғоявий асос бўлмоқда.

Аслида, “жиҳод” сўзи луғатда “жидду жаҳд”, “бирор нарсага эришиш учун бор имкониятини ишга солиш” каби маъноларни англатади. Масалан, талябининг дарсини ўзлаштиришга ёки шогирднинг бирор ҳунарни ўрганишга бор куч-ғайратини сарфлаши ҳам унинг ўзига хос жиҳоди бўлади.



Бугунги кунда кўпчилик “жиҳод” деганда фақат уруш, жанг қилиш каби маъноларни тушуниб қолмоқда. Бу ачинарли ҳол, чунки Ислом тарихи ва таълимотини ўрганган киши бундай хулосага келмайди.

Юқорида келтирилган Қуръон оятлари ва ҳадислардан кўриниб турибдики, илмсизлик билан, ўз билганича ёки ўз манфаати йўлида Қуръони каримнинг бирор оятини шарҳлаш ёки Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) номларидан ёлғон гапиришнинг оқибати жуда аянчлидир.

Қуръон ва ҳадисга маъно бериш ва ундан ҳукм чиқариш учун киши қатор илмларни пухта эгаллаган бўлиши шарт. Жумладан, у биринчи навбатда араб грамматикасини, Қуръон ва ҳадис илмига оид фанларни ўзлаштириши, оятларнинг нозил бўлиш сабабларини, ҳадисларнинг санадларини билиши, носих-мансух, мутлақ ва муқайяд, ом ва хос каби қонун-қоидалардан тўла хабардор бўлиши лозим. Бундан ташқари, Қуръон ёки ҳадисдан ҳукм чиқармоқчи бўлган киши муайян масалага тааллуқли бўлган барча оят, ҳадис, саҳобаларнинг ўша масалага муносабатлари ҳамда мужтаҳид уламоларнинг фикрларини яхши билиши керак.

Қуръон оятлари ва ҳадислар оддий сўзлар эмас, балки оятлар Аллоҳнинг каломи, ҳадислар илоҳий асосга эгадир. Ҳар қандай киши булардан ўзича ҳукм чиқарса, муқаддас Каломнинг ҳурматини оёқости қилган бўлади ва Пайғамбар (алайҳиссалом)нинг: “Ким Қуръонни ўзича тафсир қилса, дўзахдан ўзига жой тайёрласин”, деган оидлари ҳукмига



Жигарларимдан ажралиб...

Менинг исми Гулноза, ёшим 21 да. Отам оламдан ўтгач, анча қийналиб қолдик. Опам Дилноза билан ишлашга қарор қилдик. Уйимиз яқинидаги тикувчилик цехига ишга кирдик. Маошимиз ўртача бўлса-да, ойим ҳам мактабда фаррошлик қилганлари боис рўзғор тебратишга етиб турарди. Ҳозирги ёшлар қатори мен ҳам интернетга қизиқар, "odnoklassniki.ru" сайтига тез-тез кириб турардим. Кунларнинг бирида сайтда бир профиль эгаси дўстлашиш учун сўров юборди. Мен билан яқиндан танишиш нияти борлигини билдирди, Солиҳа исмли бу жувон асли қирғизистонлик бўлиб, унинг ҳам отаси вафот этган экан. Ёзишмаларимиздан унинг анча қийналиб юриб, охири яхши бир инсонга турмушга чиққанини, ҳозир Покистонда яшаётганини билдим.

Мен ҳам унга ёш бева бўлиб қолган онам ҳамда ҳали турмушга чиқмаган 23 ёшли опам билан яшашимиз, тикувчилик билан кун кечиримиз ҳақида ёздим. У диндан хабарим бор-йўқлигини сўраб қолди. Мен намоз ўқиш учун керакли бир неча суранигина билишимни, буни менга раҳматли бувим ўргатганини, ҳозир анча эсимдан чиқиб қолганини айтдим. Шунда у ислом динини ўрганиш ҳар бир мусулмон киши учун фарз эканини, агар хоҳласам, менга устозлик қилиши мумкинлигини айтди. Рози бўлдим. У менга дин шартлари, ислом давлати тузиш учун барча масъул экани, бизлар ҳам жиҳод қилишимиз зарурлиги, бу йўлда маҳкам туриш кераклигини сингдира бошлади. Ундан ўрганган нарсаларимни опамга гапириб берардим.

Солиҳа маълум вақтдан кейин биз тайёр бўлганимизни, энди дин учун хизмат қиладиган фурсат етганини айтди. У жиҳод қилиш ва кофирларга қарши курашиш учун Қозоғистон орқали Покистонга ўтиб боришимизни, бизга шахсан ўзи йўлкира пули юборишини, ўша ерда ишлаб, онамга ҳам пул жўнатиб туришимиз мумкинлигини ёзди. Тўғриси айтсам, ойим рози бўлмаслигини билиб, ёлғон гапи-

ришга мажбур бўлдим. Рўзғоримизни бутлаш, уйни таъмирлаш, яхши яшаш учун анчагина пул кераклиги, шу сабабли опам билан Россияга бориб, ишлаб келишимизни айтдим. Ойим бунга кўнмади, аммо қатъий туриб олганимдан сўнг, ноилож рози бўлди. Ниятимга етгач, Солиҳадан пул сўраб, хат жўнатдим.

Йўлкирани олиб, опам иккалам из Қозоғистон орқали Покистонга ўтдик. Покистон чегарасида бизни ўттиз ёшлардаги соқоллари ўсган бир эркак кутиб олди. Уни Солиҳа юборган экан. Танишим икки қаватли уйда яшаркан. Аёл бизнинг ташрифимиздан хурсандлигини айтиб, дастурхон тузатди. Унинг турмуш ўртоғи асли афғон, исми Шайх Абу Абдуллоҳ бўлиб, жангариларга раҳбарлик қилар экан. У бизни жиҳод қилиш учун келган биродарларига – мени тожикистонлик Муҳаммад Исога, опамни чеченистонлик Абдурахмонга мажбуран никоҳлади. Шу залда олти ой яшадик. Бу орада ойим билан жабарлаша олмадик. У ерларда тез-тез урушлар, портлатишлар бўлиб турар экан, шу орада турмуш ўртоғим ҳалок бўлди.

Шундан сўнг Солиҳанинг эри Муҳаммад Абдуллоҳ ватанимга қайтиб, қариндош-уруғ ва дугоналаримни ҳам жиҳодга даъват қилиб, бошлаб келишимни буюрди. Мен яна Қозоғистон орқали Ўзбекистонга келдим. Эшигимиз қулф, ичкарида ҳеч ким йўқ эди. Қўшнимизникига чиқсам, у онагинамнинг бир ой олдин вафот этгани, бизни интизор бўлиб кутганини айтди. Мен гумроҳнинг кўзини меҳрибон онамнинг ўлими ҳам очмади. Уйимизга қизларни йиғиб, турли машғулотлар ўткази бошладим. Уларга хорижда кўрганларимни ҳикоя қилиб бериш орқали жиҳод ва ҳижрат ҳақида тушунча бердим. Шундай кунларнинг бирида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан ҳибсга олиндим. Мен танлаган йўл нотўғри эканини, шу сабаб опам ва онамдан айрилиб қолганимни, жигарим ҳозир ҳам мусофир юртларда сарсон-саргардон юрганини суднинг қора курсисига ўтирибгина англаб етдим.



Яқинларингизни огоҳлантиринг!

“Ахборот асри” деб аталаётган ҳозирги замонда маълумот олиш ва ахборот алмашишнинг қулай воситаси интернетдир. Бироқ бу тармоқда ҳамма нарса аралаш-қуралаш – оқ билан қора, эзгулик билан ёвузлик. Маълумот тарқатиш, бизнес ва реклама учун катта майдонга айланган глобал тармоқни назорат қилишнинг умуман имкони йўқ. Шунинг учун ҳам “ўргимчак тўри”да бузғунчи ғоялар тарғиботи ва террорга чақириқлар жуда кўп учрайди.

ИШИД видеолавҳалари ташкилотнинг “ал-Ҳаёт” медиа студиясида тайёрланади. Улар юқори сифат ва профессионал маҳорат билан ишланган. Бу ишга катта малага, тажрибага эга бўлган европалик мутахассислар жалб этилган. Ҳар сафар жангарилар томонидан чиқарилган видеолавҳа аввалгисидан фарқ қилади. Бундай лавҳалар халқаро жамоатчиликка қандай таъсир этишини кўриб, кузатиб, шунга яраша иш тутилмоқда.

Дастлаб, жангарилар тарқатган видеолавҳаларда бегуноҳ одамларни кўйдек бўғизлаш каби ваҳшийлик акс эттирилган бўлса, энди бу қонхўрлар тарқатаётган сўнгги видеолавҳаларда бундай даҳшатли тасвирлар йўқ. Чунки жангариларнинг ушбу ваҳший тасвирларини халқаро ҳамжамият, хусусан, оммавий ахборот воситалари уларнинг зарарига қўлламоқда. Шунинг учун жангарилар, гўё Ислом йўлида “қурбон” бўлаётганлари акс этган фотосурат ва видеолавҳалардан тарғибот мақсадида фойдаланишмоқда.

Ёшларнинг бундай бузғунчи ғояларга алданмаслиги, заллат ботқоғига ботмаслигини таъминлаш ниятида зарур тавсияларни баён қиламиз. Мақсадимиз ёшларни интернетга ин қуриб, ўзларининг вайронкор ғояларини хатарли вирус каби бутун дунёга тарқатаётган жиноятчи ғаламисларнинг асл башарасидан огоҳ этишдир.

Зеро, Аллоҳ таоло Шуаро сурасининг 214-оятда: **“Яқин қариндошларингизни (Аллоҳ азобидан) огоҳлантиринг!”** деб таъкидлаган.




Эзгулик Ва ёвузлик

Тўқнашган сарҳад

Соғлом ақл эгалари интернет қулайликларидан ўз билимларини ошириш йўлида оқилона фойдаланишмоқда. Лекин баъзи шахслар эса ушбу тармоқдаги ёвузликка, маънавий таназзулга сабаб бўладиган сайтларда “сайр қилиб”, ўзлари ва атрофдагиларнинг онгини заҳарлаётганларини аниқ. **Интернет бозоридан ҳар ким ўзига керакли нарсани олади, деб тарбияни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ярамайди.**

Пайдо бўлганига унча кўп бўлмаса-да, лекин аллақачон “ари уяси” каби энг гавжум электрон манзилларга айланган “Ижтимоий тармоқлар” ёвуз кучларнинг виртуал қуролига айланди. Зеро, террорчилик кайфиятидаги шахсларнинг ижтимоий тармоқлар орқали олиб бораётган тарғибот-ташвиқотлари кун сайин авж олиб бормоқда. Жумладан, “Odnoklassniki”, “Facebook”, “Instagram”, “Twitter” ҳамда “VKontakte” ижтимоий тармоқларида бузғунчилик ва ёт ғояларни тарғиб қилувчи юзлаб гуруҳлар мавжудлиги фикримизнинг яққол далилидир.



Шунинг учун ҳам ёшларда хабар ва маълумотларни таҳлил эта олиш малакасини ҳосил қилиш зарур.

Зеро, ҳар қандай хабар ҳам тўғри ва ҳолис бўлавермайди. Ҳар бир маълумотни текшириш ҳақида Аллоҳ таоло бундай дейди:

“Эй мўминлар! Агар сизларга бирор фосиқ кимса хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолингизда бирор қавмга азият етказиб қўйиб, (кейин) қилган ишларингизга пушаймон бўлмаслигингиз учун (у хабарни) аниқлаб (текшириб) кўрингиз!” (Ҳужурот, 6).



Террорчиларга тегишли интернет сайтларини фарқлаб олиш ҳамда бундан ёшларни огоҳ этиш мақсадида, уларга тааллуқли бўлган саҳифаларнинг ўзига хос хусусиятларини келтириб ўтмоқчимиз:

• улар саҳифалари ва гуруҳларида ўзларини ягона тўғри йўлда юрувчилар деб ҳисоблаб, ўзларига эргашмаганларни кофир санашади;

• имон келтирмаган ёки бошқа динга эътиқод қиладиган ҳар қандай кишини душман деб айтишади;

• ер юзида адолат ўрнатишнинг ягона йўли – исломий давлат қуриш ва шу мақсадда “ҳижрат” ва “жиҳод” қилиш ғояларини илгари суришади.

• ўзларининг жинойтчи тўдабошиларида бошқа олимларни қоралаб, уларни ҳақоратлашади ва ёмонотлиқ қилишади;

• давлат ҳокимиятига нисбатан норозилик кайфиятини уйғотиш ва мавжуд камчиликларни бўрттириб кўрсатиш орқали одамларни ваҳимага солишади;

• халқ билан гўёки яқинлигини билдириш мақсадида уларнинг қийинчилиги ва ташвишига ўзларини “шерик” қилиб кўрсатишади, аслида эса уларнинг диний туйғуларидан усталик билан фойдаланишади;


• ихтилоф чиқарадиган масалаларни ўз саҳифалари орқали ёритиб, одамларда ўз қарашлари тўғрилигига ишонч ҳосил қилишга уринишади.

“ЭЪТИҚОД ҚАРОҚЧИЛАРИ” – НИНГ ОВ УСУЛИ




Шу ўринда таъкидлаш керакки, бундай бузғунчи оқимлар эътиқодга раҳна солган “раҳнамолари”нинг фикрларига кўп таянишади. Шунингдек, улар ўз саҳифаларида ёритилган фикрларини асослаш учун, асосан қуйидаги санокли кўштирноқ ичидаги уламолардан иқтибос келтиришади:

- Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб;
- Ҳасан ал-Банно;
- Саййид Кутб;
- Муҳаммад Илёс Кандехлавий;
- Тақийуддин Набахдидий;
- Абдул-Ислом Заллум.



Санаб ўтилган “раҳнамолар” томонидан илгари сурилган ғояларнинг умумий жиҳати – Ислом динини нотўғри ва қабиҳ мақсадларда талқин этиш, динга сиёсий тус бериб, ҳокимиятни қўлга киритишга интилишдир. Шунингдек, ушбу раҳнамоларнинг ёшларимиз онгига кучли таъсир ўтказадиган: «Худо – идеалимиз, пайғамбар – доҳийимиз, Қуръон – конституциямиз, жиҳод – воситамиз, дин ва Худо йўлида қурбон бўлиш – эзгу орзуимиз» каби жарангдор шиорлари аслида сохта бўлиб, ғаразли мақсадга эришиш йўлидаги ниқобдан бошқа нарса эмас.

Огоҳ бўлган абгор бўлмас!



“Ўргимчак тўри”да ақидапарастликни тарғиб қилувчи сайтлар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай таҳликали замонда ёшларимизга фақат “uz” доменидаги сайтлардан фойдаланишни тавсия қиламиз. Агар бошқа домендаги веб-сайтлардан фойдаланишга эҳтиёж сезилса, маълумот олишда ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик лозимлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. **Бизнинг ақидамизга, мазҳабимизга зид бўлган сайтлардан узоқ бўлиш зарур.** Зеро, эҳтиётсизлик билан кўр-кўрона олинган маълумотлар кишини адаштириб қўйиши аниқ. **Диний эҳтиёжини эътиқодимиз ва мазҳабимизга ёт веб-сайтлардан қондираётган кишилар “бошқа” манбалар орқали “бошқа”лар, яъни ғанимлар қўлида тарбияланаётганини унутмасин!**

Интернетни “ўргимчак тўри” деб бежиз айтишмайди. Зеро, ўргимчак тўри қуёш нурида шунчалар жозибадор ва хилма-хил рангларда товланадики, беихтиёр инсон унга маҳлиё бўлиб қолади. Аксинча, қуёш нуридан холи ерда у жозибадорликдан асар ҳам қолмайди.

Шундай экан, мамлакатлар барқарорлигига таҳдид соладиган, хунрезлик, беҳаёлик, қаллоблик, экстремистик кайфиятдаги сайт ва гуруҳларни «ўргимчак тўри»нинг зулматдаги шаклига қиёслаш керак.

Огоҳ бўлинг! Зулматдаги бу “тўр”лар бир кун келиб “арқон”га айланиб оңгингиз, бутун динингизни чирмаб, қўлидан кетмасин!



Залолат ташвиқотчилари

ИШИД бузуқ қарашларини тарғиб-ташвиқ қилишга жуда катта аҳамият бермоқда. ИШИДнинг «ал-Фурқон» деб номланган медиа агентлиги бор. ИШИДнинг буюртмаси бўйича ишланган видеолар ва бадий фильмлар эса «ал-Фурқон» каналида ёки интернетнинг ижтимоий тармоқларида намойиш этилмоқда. Масалан, 2014 йил май ойида ИШИДнинг «Қилич овози» номли инсонийликка зид келувчи ҳолатларни синадиришга бағишланган фильм намойиш этилган.

2014 йил сентябрь ойида эса ИШИД интернет тармоғига инглиз тилидаги «Уруш алангаси» номли фильмини жойлаштирган. Бу фильм «ал-Ҳаёт» студиясида суратга олинган. Ушбу фильм аввалги «Қилич овози»га нисбатан замонавий услубда ишланган бўлиб, унда ИШИДга қарши курашаётган иттифоқчи кучларга нисбатан таҳдид солишга уринилган.

«ал-Ҳаёт» студияси маҳсулотлари хорижий давлатлар ва чет тилда мулоқот қилувчи аудиторияга ихтисослашган. «ал-Ҳаёт» медиа маркази асосан араб, инглиз, немис, француз, рус, ҳинд ва урду, бенгал, турк, курд ва бошқа яна бир қатор тилларда субтитр тайёрлайди. «ал-Фурқон» телеканали томонидан эфирга узатиладиган фильм ва дастурларга чет тилларида субтитрлар илова қилинади.

MUSLIM.UZ




MUMINA.UZ



HIDOYAT.UZ




NOVZA.UZ



MEHROB.UZ



HAZRATNAVOIY.UZ




BUKHARI.UZ





FAZLONAVOYIY.UZ




KAMOLON.UZ







XATIB.UZ



MUXLIS.UZ



MINOR.UZ



RAVZA.UZ



MINBAR.UZ



DIYONAT.UZ



Сарагини пучагидан ажратиш

Интернетда, террорчилик ва бошқа бузғунчиликларни тарғиб қилувчи веб-сайтлар, ижтимоий тармоқдаги гуруҳлар сони кун сайин кўпаймоқда. Бу ҳолат дунёқараши шаклланмаган ва ғўр ёшларнинг соғлом эътиқодини, онгу шуурини заҳарламоқда.

Ғаламисларнинг интернет орқали ҳужумлари асосан ёшларга қаратилган бўлиб, улар ўсмирлар учун қизиқарли бўлган воситалардан усталик билан фойдаланишмоқда. Жумладан, ёшларнинг қизиқишига қараб, уларни турли видеолар ва фотосуратларни томоша қилишга жалб этиш орқали ёки ташқи кўринишидан ғўёки ўйин, техника, спортга доир бўлса-да, лекин ички саҳифаларида фақат бузғунчиликни сингдирувчи веб-журналларни тақдим этмоқда.

Турли алдамчи маълумотлар кўпайган бир вақтда тўғри ва ҳаққоний ахборотни ажратиш йўллари билиш лозим. Жумладан, бундай шароитда аждодлар тутган йўлни танлаш керак. Имом Бухорий ҳазратлари

ҳадисларнинг саҳиҳ, заиф ва тўқималарини ажратишда жуда моҳир бўлганлар.

Ривоят қилинишича, Имом Бухорий бир ҳадиснинг ровийсини қидириб, топадилар. Лекин ровий бир ҳайвонни қуруқ қўл билан алдаб, қўрага олиб кираётганини кўриб, суҳбатлашмасдан қайтадилар. Яна бошқа ривоятда айтилишича, бир ровий олди тарафига туфлагани сабабли, ундан ҳам ҳадис ривоят қилмаганлар.

Мана, аждодларимиз қандай йўл тутишган? Улар ислом динига хос бўлмаган маълумотлар у ёқда турсин, ҳатто мусулмонга ярашмаган бир сифат эгасидан ҳам маълумот олишмаган. Уларнинг динимизга тегишли масалалар борасида нақадар эҳтиёткор бўлишганини юқорида келтирилган мисолдан ҳам кўриш мумкин.

Афсуски, интернет тармоғида қора қузғун каби ўрнашиб, юртимиз ютуқларини кўра оламаётган ёвуз кучларнинг носоғлом, бўҳтон ва ғийбат билан тўлиб-тошган маълумотларини айрим ёшлар ўқиб, баъзан уларга ҳамфикр бўлиб, адашиб кетаётганлари ачинарли ҳолатдир.

Баъзилар маълумотларни сараламасдан, дуч келган ахборотни тўғри деб қабул қилишмоқда. Аслида эса инсон ўзида яхши маълумотларни олиш ва эшитиш, зарарсиз ахборотларни қабул қилиш кўникмасини шакллантириши лозим.


У ёки бу ахборотни қабул қилишдан олдин инсон албатта ўзига:



деган саволларни бериши керак.

Хулоса қилиб айтганда, қуйидаги йўналишлар бўйича фаолиятни янада ривожлантириш зарур:

- ✓ ёшларда интернетдаги маълумотларни ажрата билиш саводхонлигини шакллантириш;
- ✓ ўсмирларга интернетдаги қандай маълумотни олиш керак-у, қайсиларини қабул қилмаслик лозимлигини тушунтириш;
- ✓ ёш авлодга интернетдаги фотосуратлар, видеоплавларни кўриш, томоша қилиш юзасидан зарур тавсияларни бериш;
- ✓ ёшларнинг интернет тармоғига қизиқишларини мунтазам ўрганиш ва бу борада керакли маслаҳатлар бериб бориш;
- ✓ келажак авлодни миллий маънавиятга, одоб-ахлоққа салбий таъсир этувчи маълумотлардан ҳимоя қилиш;
- ✓ интернет хуружларига қарши мунтазам тарғибот ишларини олиб бориш.




Холис фикр

Бундай таклиф ва тавсияларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бироқ интернет орқали барчани ташвишга солиб турган хатарларга қарши кураш самарасини ошириш учун, энг аввало, ота-оналар фарзандлари устидан назоратни кучайтиришлари лозим. Бундан ташқари, маҳалла фаоллари, мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари ҳам бу хатарларга қарши курашда жонбозлик кўрсатишлари шарт.

Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Мотуридий каби буюк бобокалонларимиз яшаган даврларда фақатгина шам ёруғи ёрдамида дунё тамаддунида ўчмас из қолдирган асарлар яратилган. Биз эса ахборот технологияларининг энг сўнги маҳсулотларидан фойдаланиш мумкин бўлган даврда яшамоқдамиз. Уларга қараганда, бизда беҳисоб имкониятлар мавжуд. Агар биз ушбу имкониятлардан унумли фойдаланиб, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги, динимиз софлиги йўлида заҳмат чексак, келажак авлод ҳам биздан ўрнак олади.

Шунингдек, биз яшаб турган даврда ёшларимизнинг баркамоллиги учун мамлакатимизда барча имкониятлар эшиги кенг очилган. Жумладан, ахборот технологиялари, хусусан, интернет соҳасида ҳам. Шундай экан, **ёшларимизнинг интернетдан оқилона ва тўғри йўлда фойдаланишларини таъминлаш давр талабидир.** Чунки глобал тармоқдан тўғри фойдалана оладиган ёшлар вақтини бемаъни нарсаларга зое қилмасдан, фақат илм билан шуғулланади ва касбий кўникмаларга эга бўлади.

Демак, ёшларимизда ёвуз хуружларга қарши куч-иммунитет шаклланса, уларга ҳеч қандай таҳдид ўзининг зарарли таъсирини ўтказа олмайди. Унутманг, ёшлар келажакимиз, уларни ғоявий офатлардан асраш эса сиз-у бизнинг бурчи-



ИМОМ – ХАЛҚ ПЕШВОСИ ЭКАНИНИ ДОИМ ҲИС ЭТИШИ КЕРАК

Имом – халқ пешвоси эканини юрагидан ҳис қилиб, виждонан ишлаши керак. Агар қавмидан бирор бузғунчи чиқса ёки бирор ёш жувонмарг бўлса, албатта, имом-хатибнинг айби бор. Чунки, у меҳроб ва минбар меросхўри сифатида масжид ҳудудида яшайдиган ҳар бир инсон эътиқоди софлиги учун халқ ва Холиқ олдида жавобгар. Шунинг учун имом-хатиб қавмнинг ақидаси тўғри бўлиши учун тинмай меҳнат қилиши шарт.

Шундай экан, имомлар бутун вужуди билан масъулиятни ҳис этиб, ИШИД каби ғаламисларнинг ғоясига қарши курашиши ва мусулмонларни тўғри йўлга бошлаши зарур. Шунуқтаи назардан имом-хатибларга қуйидагиларни тавсия этамиз:

Биринчи, уруш-жанжаллар қаерда бўлмасин, у ғарбда ёки Осиёда, имом-хатиб бепарво бўлиши мутлақо мумкин эмас. Гарчи юртимиз уруш ўчоқларидан йироқ бўлса-да, бу хатарнинг олди олинмаса, унинг тафти етиб келади. Чунки ҳозирги глобаллашув даврида бузғунчи шахс интернет орқали дунёнинг бир четида туриб, нариги томо нидаги одамга ўз ғоясини сингдира олади. Масалан, ИШИД қисқа муддатда, 80 дан зиёд мамлакатдан келган юз мингга яқин илмсиз кимсаларни ўз сафига оғдира олди.

Иккинчи, ИШИД “халифалик куриш” ёки “ислом давлати” ниқобидаги ғояларини интернет орқали бутун дунёга кенг тарқатмоқда. “Араб баҳори” фожиалари ҳам


шундай йўл билан уюштирилгани ҳаммага маълум. Энди ИШИД ўз ғояларини шундай тарқатишга уринмоқда. Улар жанг майдонидаги ўта таъсирли лавҳаларни интернетга жойлаштириб, тарафдорларини кўпайтирмоқда. Шунинг учун имом-хатиблар “халифалик қуриш” шаръан ва мантиқан асло мумкин эмаслиги ва уларнинг иддаосига эргашиш бутун мусулмон уламолар наздида ботил эканини ҳужжат-далиллар асосида халққа етказишлари зарур.

Учинчи, 2014 йил 31 август куни “Шаҳидлар хотираси” хиёбонида муҳтарам Президентимиз уламолар билан суҳбатда бундай тўс-тўполонларнинг сабабларини, фожиали оқибатларини чуқур англашда ҳамда ёт ғояларнинг асл юзини очиб бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишда уламолар ва имомларнинг янада жонбозлик кўрсатишини алоҳида қайд этдилар. Бегуноҳ одамнинг қонини тўкиш ҳаромлиги, мусулмонни кофирга чиқариш оғир гуноҳлиги ва ислом дийёрларидан ҳижрат қилиш жоиз эмаслигини имом-хатиблар ёшларга ҳужжат-далиллар ва жонли ми-

соллар билан тушунтириб, тўғри йўлга солишлари лозим.

Бундай фитналарнинг ортига теран кўз билан боқиш керак. Жангарилар ва уларнинг “халифа”сини ўйнатаётган учинчи қўл парда ортида ҳаракат қилмоқда. Икки томонни низо ва курашлар гирдобига ташлаб, бундан усталлик билан ўз ғаразли мақсади йўлида фойдаланаётган учинчи қўл ҳақида бир неча йил олдин Президентимиз: “Бундай нозик дамларда учинчи қўлнинг маккорона, пинҳоний ҳаракатини унутмайлик! Уларнинг тегирмонига сув қуймайлик”, дея огоҳлантирган эдилар. Шунинг учун ҳам бундай мураккаб замонда имом-хатиблар эл ишончини оқлашлари даркор.

Зеро, ўзаро ихтилофлар, инсонларнинг қирпичоқ бўлиши, Ислом тарихидаги халифалик, жиҳод, ҳижрат каби тушунчаларни бузиб талқин қилиш, ислом дини ва мусулмонларни ёмонотлиқ қилиб кўрсатиш ортида фақат ва фақат ана шу учинчи қўлнинг манфаатлари ётганини барча, айниқса, имом-хатиблар зинҳор унутмасликлари керак.



ИШИД залолат чўққисига чиқди, энди қулайди

Бутун дунё уламолари ИШИД қилмишлари учун Яратганнинг қаҳрига дучор бўлиши ва мўмин-мусулмонлар қарғишига қолишини таъкидлашмоқда. Шунингдек, ҳозир ИШИДга қарши халқаро ҳарбий иттифоққа 50 дан ортиқ давлат аъзо бўлди. Бу давлатлар томонидан жангариларга қарши ҳужумлар уюштирилмоқда. Ҳозирги кунга келиб, халқаро иттифоқчи кучлар ёрдамида террорчиларнинг ҳужумлари тўхтатилди. Натижада бо сиб олинган бир қанча ҳудудлар уларнинг қўлидан тортиб олинди. Лекин учинчи манфаатдор томон парда ортида моҳирона ҳаракат қилиб, ИШИДни яширинча қўллаб-қувватламоқда. Бу нарса аниқ, акс ҳолда улар бир кун ҳам яшай олмасди. Бир нарсани яхши билиб олиш керак, бу тўс-тўполонлар асло дин учун эмас, разил мақсадлар учун бўлмоқда.

Уламолар ва экспертлар фикрича, ИШИД ўз чўққисига чиқди, энди қулаш бошланади. ИШИДнинг таъсир қилиш доираси нари борса, Ироқ ва Суриянинг бир қисми билан чекланиб қолади.

Албатта, Аллоҳнинг ёрдами ила ИШИД таг-томири билан йўқ қилинади, иншоаллоҳ.

ЗАМОНАВИЙ

**XVI-XVII асрларда
юзага келган оқимлар**

Равшания

Дини илоҳий

**XX-XXI асрларда юзага келган
оқимлар ва террористик ташкилотлар**

Сохта
салафийлик

Муслмон
биродарлар

Нурчилар

Ислом миллати

Таблиғчилар

Ислом
фидойилари

Узун
соқоллилар

Ҳизбут-тахрир
ал-исломий

Фаластин
исломий жиҳод
ташкilotи

Ал-Муҳожирун

Акромийлар

Ҳизб ан-наسر

Жамоати
исломия

Ат-такфир
вал-ҳижра

Ҳизбуллоҳ

Ҳамас

~~Ал-Қаида~~

Нусра fronti

Мужоҳидлар
ҳаракати

Ислом
лашкарлари

Адолат
уюшмаси

Тавба

ОҚИМЛАР

XVIII-XIX асрларда
юзага келган оқимлар

Ваҳҳобийлик

Оғахония

Шайхия

Бобия

Баҳҳойлик

Аҳмадийлик

Туркистон
ислом ҳаракати

Жамоат
ал-ансор

Шарқий
Туркистон
ислом ҳаракати

Бахшиллочилар

Ислумбули
бригадаси

Жамият
ал-ислоҳ
ал-ижтимоий

Ислум армияси

Риёдус-Солиҳин

Ислум
жиҳодчилар
ҳаракати

Ансор ал-ислом

Боқо ҳарам

Ислум жиҳоди
гурӯҳи

Ироқ ва Шом
ислом давлати
террористик
ташкilotи

Қорасаллалилар

Жиҳодчилар

Сохта
тариқатчилар

Маърифатчилар

Шоҳидийлар

Жамоат ансор
ал-сунна

Жайш
ал-муҳожирин
вал-ансор

Муҷоҳид ёшлар
ҳаракати

АҲЛИ СУННА ВАЛ ЖАМОА– мусулмонларнинг асосий ва жумҳур оммаси эътиқод ва амал қилиб келадиган икки ақидавий ва тўрт фикҳий мазҳаб (ҳанафийлик, шофиийлик, моликийлик, ҳанбалийлик)нинг умумий номи.

АҚИДАПАРАСТЛИК – [араб. – ишонч, форс. – берилиш] – муайян шароитда бирон бир ғоя ёки тамойилга қатъий ишонч ва уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда кўр-кўрона қўллаш.

БАЙЪАТ – [араб. қасамд қ.] – шароитда кишиларнинг Расулulloҳ (с.а.в.)га итоат ҳақида берган ваъдалари. Кейинги даврда халифалар, давлат бошлиқлари га, кейинроқ эса давлат бошиқидан бошқаларга, маълум раҳбарлик маъносидаги улуғларга ҳам байъат қилиш одати тарқалган. Тасаввуфда муриднинг шайхга қилган байъати «қўл бериш» дейилади.

БИДЪАТ – [араб. – янгилик қилмоқ, янгитдан яратмоқ] номаъқул янгилик; дин ақидаларига хилоф янгилик. Куръон ва Суннатга хилоф равишда пайдо бўлган ҳар бир одат ёмон бидъатдир. Унинг акси эса бидъати ҳасана – яхши бидъатдир.

БОТИЛ – [араб. – ёлғон, сохта; бефойда] – сохта, ёлғон, асоссиз; фойдасиз.

ГУНОҲ – [форс. – айб] – шароит қонунларига, диний ақидаларга хилоф иш; одоб-ахлоқ доирасига сиймайдиган иш, ноҳуя хатти-ҳаракат; жиноят; айб.

ИХТИЛОФ – [араб. – ҳар хиллик, тафовут; қарама-қаршилик, келишмовчилик] – қарама-қарши ҳолат, келишмовчилик, зиддият, низо, бир бирига зид фикрлар.

ЖИҲОД – [араб. – ғайрат қилиш, бор кучни ишга солиш] – дастлаб «жиҳод» дейилганда исломни ҳимоя қилиш ва исломга қарши тажовуз қилувчилар билан курашиш тушуниланган. Аллоҳнинг динига сўз билан даъват қилиш, инсоннинг ҳавоий нафсини енгиш учун жон-жаҳди ила ҳаракат қилиши ҳам жиҳоддир.

Жиҳод сўзи луғатда уруш маъноси-ни англатмайди, бунинг учун араб тилида «қитол» сўзи ишлатилади.

КУФР – [араб. – сатр, тўсмоқ; инкор этмоқ] имонсизлик. Куфр уч хил бўлади: 1. Ҳақиқий куфр. Дилида ҳам, тилида ҳам ўзининг кофирлигини иқрор этувчи кофирлар куфри. Бундай одамлар ҳақиқий кофирлардир. 2. Инодий куфр. Аллоҳнинг ҳақлигини, Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳақиқий пайғамбар эканликларини яхши била туриб, қайсарлик ва арзимаган сабабларни кўрсатиб имон келтирмайдиганларнинг куфри. 3. Ҳукмий куфр. Яъни ҳақиқий эмас, балки баъзи бир шароитга хилоф ишларни қилиш ёки куфр сўзларини билиб-билмай гапириб қўйиш сабабли куфрга ҳукм қилинувчи ҳолат.

КОФИР – [араб. – танимовчи, инкор этувчи] – Ислом динини эътироф этмаган, ҳақиқатни била туриб имон келтирмаган, ҳаромни ҳалол деб даъво қилган, оғир гуноҳ ишларни қилган (ширк, сеҳр ва бошқа) шахс. Яна қаранг куфр.

МУҲОЖИР – [араб. – кўчиб ўтган] Макка фатҳига қадар Муҳаммад (с.а.в.)га эргшиб Мадинага кўчиб борган мусулмон.

МУЖТАҲИД – [араб. – интилувчи, ғайрат қилувчи] ўрта асрларда исломда ижтиҳод ҳуқуқига эга бўлган, яъни мустақил равишда диний ақидавий ва ҳуқуқий масалалар бўйича хулоса бера олган ва ҳукм чиқара олган шахс.

МУКАЛЛАФ – [араб. – масъул қилинган, вояга етган] – балоғатга етган, ақли расо ҳамда шароит томонидан белгиланган вазифаларни бажариши шарт бўлган мусулмон киши.

МУТААССИБ – [араб. – ўта берилган, муккасидан кетган] – динга қаттиқ берилган, унга кўр-кўрона, онгсиз равишда қаттиқ берилиб амал қилувчи. Ўз ғоясини «тўғри» деб, бошқача фикр эгаларини эътироф этмайдиган, таассубга мойил шахс.

ОСИЙ – [араб. – исён қилувчи, итоатсиз, гуноҳкор]. Аллоҳнинг

буйруқлари, Пайғамбар (а.с.) суннати га риоя қилмайдиган, шаръан тақиқланган ишларга қўл урадиган шахс.

ТАКФИР – Бу ибора араб тилидаги «куфр» сўзининг ўзагидан олинган бўлиб, луғатда инкор қилиш, ёпиш, каффорат бериш каби маъноларни англатади. Истилоҳда эса мўмин кишини асоссиз сабаблар билан кофирга чиқариш демакдир.

ФАТВО – [араб. – тушунтириш, изоҳ, ҳукм, қарор] – исломда муфтий ёки уламолар кенгаши томонидан диний, ҳуқуқий, сиёсий ҳамда ижтимоий масалаларда бериладиган қарор, ҳукм ёки изоҳ.

ФИҚҲ – [араб. – чуқур тушуниш, билиш] – мусулмон ҳуқуқи; мусулмонларнинг ибодат қоидалари тўғрисидаги ислом ҳуқуқшунослиги. Шаръий далилларга таяниб ҳукм чиқариш амалиёти.

ФОСИҚ – [араб. – йўлдан адашган, ахлоқсиз] – ислом анъанасида диний мажбуриятларни адо этмаган гуноҳкор; ахлоқий маънода – фаҳш, бузуқ одам.

ХАЛИФА – [араб. – ўринбосар; ноиб] – тарихда мусулмонлар жамоаси ва мусулмон давлатининг диний, айни бир пайтда дунёвий раҳбари бўлган. Пайғамбар (с.а.в.)нинг сўзларига кўра, халифалик вафотларидан кейин ўттиз йил давом этган.

ХОРИЖИЙЛАР ВА АЗРАҚИЙЛАР – Ислом тарихида илк адашган оқимларнинг номлари.

ХУДКУШ – [форс. – ўзини-ўзи ўлдириш] – турли хил воситалар ва йўллар билан ўзини ўлдириш.

ШАРИАТ – [араб. – тўғри йўл; остона ва сув ичиш жойи, диний ҳукмлар мажмуи] – ҳар бир самовий диннинг барча ахлоқий, эътиқодий ва ҳуқуқий нормалари мажмуи.

ШИРК – Аллоҳнинг илоҳиётда шериги бор деб эътиқод қилиш. Яъни, Аллоҳга ишониш билан бирга Унга илоҳликда бошқа жонли ва жонсиз нарсаларни баробар қилиш. Бошқача қилиб айтганда, худоликка яқкаю ягона Аллоҳнинг ўзинигина хослаш ўрнига бошқани ҳам Унга шерик қилиш.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар

- Ислом Каримов. “Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда”. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
- Ислом Каримов. “Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир”. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
- Ислом Каримов. “Ватан равнақи учун ҳаммамиз масъулмиз”. – Т.: “Ўзбекистон” 2001.
- Ислом Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008.
- “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири”. Таржима ва изоҳла р муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
- Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. “Саҳиҳи Бухорий”, – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2008.
- Усмонхон Алимов. “Сўраган эдингиз?”, 1–тўплам. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2013.
- Шайх Абдулазиз Мансур. “Ақоид матнлари”. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006.
- Айдарбек Тулепов. “Ислом ва ақидапараст оқимлар”. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2014.
- Айдарбек Тулепов. “Интернетга ин қурган «ўргимчаклар»”. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2014.
- “Ислом энциклопедияси”. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2004.
- К. Комилов, Ў. Ҳасанбоев, Н. Ҳошимов. “Диний экстремизм ва халқаро терроризм – жамият тараққиётига таҳдид” (маърифий-услубий қўлланма). – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
- Муаллифлар гуруҳи. “Диний мутаассиблик”. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2014.
- Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг muslim.uz интернет сайти.
- Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтининг buxoriy.uz интернет сайти.
- Тошкент шаҳридаги “Новза” жоме масжидининг novza.uz интернет сайти.
- Тошкент шаҳридаги “Хўжа Аламбардор” жоме масжидининг katolon.uz интернет сайти.
- Тошкент шаҳридаги “Шайх Зайниддин” жоме масжидининг muxlis.uz интернет сайти.
- ziyonet.uz интернет сайти.
- fkr.uz интернет сайти.
- Yandex.ru интернет қидирув хизмати.
- Google.ru интернет қидирув хизмати.

Таҳликали ҳолат	4
Заққумнинг илдишлари	5
Шиори ялтироқ, иши қалтироқ.....	6
Бугуни хароб, эртаси сароб	8
ИШИДнинг кўринмас мақсадлари ёхуд учинчи қўл кирдикорлари	12

«ХАЛИФАЛИК»МИ ЁКИ ХАРОБАЛИК?

Вайронкор тўда	14
Шаръан ва мантиқан имкони йўқ	16
Ассосиз фатво — дўзахга ҳужжат	18
Бағдодий ўзи ким?.....	20
Холис фикр.....	22

ТЎҒРИ ЙЎЛДАН АДАШГАНЛАР

Олимларни ҳақоратлаган балога йўлиқади	23
Мусулмонни кофир дейиш кечирилмас	24
ИШИДнинг шайтоний фитналари.....	27
“ҲИЖРАТ” сўзи ҳақида	30
Хорижда ўқийман деб.....	31
Залолатга байъат ҳаромдир	32

«ШАҲИДЛИК» НИҚОБИДАГИ ҚОТИЛЛИК

Худкуш-камикадзе	34
Ботил қиёс	38
Мўминни ўлдирганнинг жазоси – жаҳаннам!.....	40

АДАШГАН ФИРҚАЛАР ИЗДОШИ – ИШИД

Ботил ақидага таянган ҳалок бўлади	42
Имон қалбда бўлади.....	44
Ҳаром пул — дўзахга ўтин.....	46

ВАҲШИЙЛИК

Жирканч жиноятлар.....	48
Зулмат ичидагилар	50
Адашган йигит изтироби.....	52

ИШИД гуруҳининг ҳар бир ҳаракати динимизга зид.....	64
Шаръан ботил фирқа.....	65
Ифлос ишини муслмонларга тўнқамасин.....	66
Мўминни кофир деб ўлдириш.....	67
Интернетга ин қурган «ўргимчаклар».....	68
Ношуд ота ноласи.....	69
Улар ғаним эмас, аҳил–иноқ эди.....	70
Омматан қатлга тортганлар.....	71
Жоҳилият даврига қайтганлар.....	72
Нодия ҳеч нарсани унутмайди.....	73
“Жаннат райҳонлари”ни пайҳон қилганлар.....	76
Қуюшқонга сиғмас қий ноқлар.....	78
Шайтонлар пойида хор бўлган азиз бошлар.....	80

“КИМ ҚУРЪОННИ ЎЗИЧА ТАФСИР ҚИЛСА, ДУЗАҲДАН ЎЗИГА ЖОЙ ТАЙЁРЛАСИН”

Қалтис қилмиш — жирканч натижа.....	82
Саёз илм ва енгил қараш – залолат эшиги.....	84
Тубанлик гирдоби.....	85
Жигарларимдан ажрал иб.....	87

АҲБОРОТ АСРИ ТАҲЛИКАЛАРИ

Яқинларингизни огоҳлантиринг!.....	88
Эзгулик ва ёвузлик тўқнашган сарҳад.....	90
“Эътиқод қароқчилари”нинг ов усули.....	91
Огоҳ бўлган абгор бўлмас!.....	92
Залолат ташвиқотчилари.....	93
Сарагини пучагидан ажратиш.....	96
Холис фикр.....	98
Имом – халқ пешвоси эканини доим ҳис этиши керак.....	99
ИШИД залолат чўққисига чиқди, энди қулайди.....	101
Замонавий оқимлар.....	102
Қисқача изоҳли луғат.....	104
Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар.....	105

Ижтимоий-диний-маърифий нашр

Тулпов Айдарбек Медетович

ИШИД ФИТНАСИ

Муҳаррирлар:

Исомиддин АЛИМОВ
Абдул Жалил ХЎЖАМ
Муслим АТАЕВ
Комилжон БУРҲОНОВ

Адабий муҳаррир:

Илҳом МАЪРУПОВ

Бадий муҳаррир ва муқова дизайнери:

Ильнур КАРАДЖАЕВ

Безакчи-саҳифаловчи:

Баҳром ИКРОМОВ

Техник муҳаррир

Зиёдбек ЎРИНОВ

Матн терувчилар:

Мадина АЙДАРБЕК қизи
Маҳфуза КАРИМЖОН қизи

Мусаҳҳиҳалар:

Зебо ОМОНОВА
Дилфуза РАҲИМЖОН қизи

Нашриёт лицензия рақами: АИ 146. 2009.14.08.

Босишга 2015 йил 13 февралда рухсат этилди. Қоғоз бичими 84×108 1/16.
Ҳисоб-нашриёт т.: 11,34. Шартли б.т.: 6,75 Адади: 30000 нусха 38/15сон буюртма.

“Монагоунаһг” нашриётида тайёрланди.
Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар
Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.
Электрон почта: m-nashr@yandex.ru
Тел: (8-371) 227-34-30

«RUTA-PRINT» ҚК, МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри Янги тарнов 1-тор кўчаси 8-уй.